Тошкент ҳақиқати

1928 йил 11 декабрдан чиқа бошлаган

№ 114 (10.363).

1992 йил 4 август сешанба

Баҳоси 2 сўм.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

И. А. КАРИМОВНИНГ «ЛИБЕРАСЬОН» ГАЗЕТАСИ МУХБИРИНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 31 июль куни «Либерасьон» француз газетасининг Тошкентдаги мухбири Андрей Марк Брюнело билан учрашди ва унинг саволларига жавоб қайтарди.

Ўзбекистон Президенти мустақил республика тараққиётининг иқтисодий йўли ҳақида гапириб, Туркия йўли Ўзбекистон учун мақбулроқ эканини таъкидлади. Бу тасодиф эмас: ўзбек ва турк халқларини тилининг бирлигигина эмас, маънавий ва маданий жиҳатдан яқинлиги ҳам бирлаштириб турибди. Бу мамлакат бозор муносабатлари йўлига ўтиб эришган туб ўзгаришлар ҳам ҳурматга лойиқдир. Бироқ мустақил Ўзбекистон Туркия йўлидан кўр-кўрона нусха кўчирмоқчи эмас. Айрим сиёсатчиларнинг энди Ўзбекистоннинг «Янги катта биродари» бор деган гаплари бутунлай уйдирма гаплардир. Фақат ўзаро ҳурматга асосланган тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик Туркия билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларнинг негизидир.

И. А. Каримов мухбирнинг эътиборини Ўзбекистон умумбашарий қадриятлар, инсон ҳуқуқларига қатъий риоя этиш, миллатлараро тотувлик асосий қоидага айланадиган чинакам демократик давлат барпо этиш йўлига қатъий амал қилаётганига қаратди. Яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги қонун бунинг ажойиб далилидир. Бу қонунни етакчи халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотларининг экспертлари юқори баҳоладилар.

Франциялик журналистни Ўзбекистон Президентининг Тожикистондаги воқеалар хусусидаги фикри қизиқтирди. И. А. Каримов хавотирланаётганини яширмади. Ҳозирги вақтда қўшни республикада миллатлараро нифоқ ёнғини чиқишига йўл қўймаслик асосий вазифа, жумладан, жаҳон ҳамжамиятининг асосий вазифаси эканлиги таъкидланди. Бу ишда кечикиш ва сусткашлик олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлар келтириши мумкин. Югославиядаги бир-бирига қарамақарши туриш бунга мисол бўла олади.

— Жаҳон иқтисодий тизимига дадил чиқиб олишгина ҳамма учун барқарорликнинг ишончли кафолати бўлиши мумкин, — деди Ўзбекистон раҳбари. — Шу сабабли мустақил Ўзбекистон ўзи учун дунёвий тараққиёт йўлини танлаб олди. Туб ислоҳотлар қаршиликка дуч келаётганига қарамай, эски тартибга қайтиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти «Либерасьон» газетаси мухбирининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муаммоларга таллуқли бошқа саволларига ҳам жавоб қайтарди.

(ЎзА).

Суратда: учрашув пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат (ЎзА).

Фуқаро юртбошига мактуб йўллади

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ НОМИГА КЕЛГАН ХАТЛАРНИ ЎҚИБ

● Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов номига жумҳуриятимиз ишчилари, деҳқонлари, зиёлилари, барча меҳнат аҳли вакиллари, Ҳамдўстликдаги мустақил давлатлар, шунингдек, хорижий мамлакатлар фуқароларидан хат ва телеграммалар тинмай келиб турибди. Қалб қўри, юрак амри билан ёзилган бу хатларда мустақил Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий соҳаларда юз бераётган ўзгаришлар тўғрисида, ўлкада яшаб, меҳнат қилаётган халқлар ўртасидаги дўстлик, тинчлик ва осойишталик тобора барқарор бўлиб бораётгани ҳақида, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш масалалари тўғри ҳал этилаётгани тўғрисида дил сўзлари айтилган.

«Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, — деб ёзади Қашқадарё вилоятининг Чироқчи районидан Т. Тиллаев,— Ўзбекистонимиз Шарқда буюк давлат бўлиб қолиши учун тинимсиз меҳнат қилянсиз. Насиб этса, албатта, шундай бўлади... Халқнинг бахт-саодати йўлидаги ишларингизда омад тилайман».

Бундай мазмундаги хатларни ўқир экансиз, улар чин юракдан ёзилганини ҳис этасиз. Бу мактубларда халқ ўз Президенти билан ҳамиша бирга эканига, унга катта умид боғлаётганига, мустақиллик йўлида ўтказаётган изчил сиёсатини қизғин маъқуллаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қиласан киши.

Туркия Республикаси Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган ҳорижий мамлакат. Ҳозир бу икки давлат ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий ва дўстона алоқалар тобора ривожланмоқда. Бу эса ҳаммамизни хурсанд этмоқда. Мана, қўлимизда Туркиядаги Чименто фабрикасидан Файзуллоҳ Нохутчу йўллаган мактуб. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганини эшитиб жуда севиндик. Бунинг учун Сизни чин қалбимиздан қутлаймиз. Сизнинг Туркия жумҳурияти билан барча соҳаларда алоқа ўрнатиш ҳақидаги истагингизни табриклаймиз.

Сизнинг Туркияга қилган сафарингиз, ўз навбатида раҳбарларимизнинг Ўзбекистонда бўлиши, иккала мамлакат ўртасида муҳим ҳужжатлар имзоланганини биз, туркияликларни бениҳоя хурсанд қилмоқда.

Бош вазиримиз Сулаймон Демирэлнинг Ўзбекистонда бўлишини телевизор орқали кўрдик. Шунда мамлакатимиз раҳбари билан бирга мен ва умр йўлдошим ҳам серқуёш Ўзбекистонда ўз қардошларимиз билан кўришгандек бўлдик».

Уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар Президент номига йўллаган хатларида уларга кўрсатилаётган доимий ҳурмат-эътибор ҳамда амалий ёрдам учун республика раҳбарига чексиз миннатдорлик ва энг яхши истакларини изҳор этганлар.

Республика Президенти номига қўшни Тожикистондан келган мактублар ҳам бор. Масалан, Қўрғонтепа вилоятидан Р. Хўжаев, Б. Муродов, А. Ташрипов ўз юртларидаги вазиятдан хавотирланишаётганини ёзишган. Улар халқ тинч ва осойишта яшаши учун барча чораларни кўриш зарурлигини айтганлар.

Шундай мазмундаги мактубларни ўқиганда Ўзбекистонимизда мустақиллик йўлида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ўлкада яшаб, меҳнат қилаётган 100 дан ортиқ миллат ва элатлар ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик ўзининг алоҳида салобати билан гавдаланади.

Бироқ ҳозир ҳушёрлик ҳар нарсадан ҳам зарур. Шу ўринда Президентимиз И. А. Каримовнинг республика Олий Кенгаши ўнинчи сессиясида айтган қуйидаги сўзларни келтириш жоиз деб ўйлаймиз: «Иқтисодий танглик даврида низо чиқариш жуда осон. Гугурт чақилса бас, ҳўлу қуруқ баравар ёниб кетиши мумкин. Мен бу гапни илгари ҳам кўп марта айтганман, лекин бугун, бошқа қўшниларимизнинг аҳволини кўриб, яна бир марта такрорлашга мажбурман. Сизларни, Сизлар орқали барча ватандошларимни ҳушёрликка даъват этмоқчиман».

Республикамиз ўз мустақиллигининг бир йиллигини тантанали байрам қилиш тараддудида. Меҳнат аҳли бу шонли санани муносиб кутиб олишга астойдил интилмоқда. Шу ҳақдаги мактублар ҳам талайгина. Масалан, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз районидан Ҳисорак сув иншоотлари қурилиши трести бошлиғи Зайниддинов йўллаган хатда бу об-ҳаёт манбаига 175 миллион куб метр сув тўпланганн хабар қилинган. Бу — лойиҳада кўзда тутилганидан анча кўпдир. Бу сув билан 60 минг гектар ерни суғориш мумкин.

Мактублар... Улар ҳаёт кўзгуси. Ҳар бир хатда инсон, унинг тақдири, турмуши, ташвишлари, дарди, орзу-умидлари, Мустақиллик, Ватан туйғуси ифодаланган. Ўзбекистон Президенти номига келаётган ҳар бир мактуб, ундаги фикрлар, мулоҳазалар, таклифлар ўрганилмоқда, кўтарилган муаммолар юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

ОБУНА БОШЛАНДИ

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасига 1993 йил учун обуна бошланди. Сиз севимли ва қадрдон газетангизни янги йилнинг 1 январидан мунтазам ўқишни истасангиз шу кунларда алоқа бўлимларига, обуна қабул қилиш пунктларига келинг. Алоқа бўлимлари ходимлари, матбуот тарқатувчилар Сизларга обунани расмийлаштиришда ёрдам беришади.

Шуни унутманг ки, «Тошкент ҳақиқати» дўконларга чекланган миқдорда чиқади, уни сотиб олиш қийин. Бунинг устига газета обуначига сотувдагига қараганда анча арзонга тушади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»нинг бир йиллик обуна баҳоси — 366 сўм 60 тийин. Олти ойга — 183 сўм 30 тийин, уч ойга — 91 сўм 65 тийин.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» индекси—64672.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИДА

БАЙРАМГА ПУХТА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК

Кеча Тошкент вилояти ҳокимлигида, шаҳар ва район ҳокимлари, вилоят бошқарма, бўлимларининг раҳбарлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни байрамини ўтказиш юзасидан вилоят комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Тошкент вилояти ҳокими, комиссия раиси С. Д. Сайдалиев сўзга чиқди. У айтдики, республикамиз мустақиллигининг бир йиллиги вилоятда катта байрам, умумхалқ тантанаси сифатида нишонланади.

31 август — Ўзбекистон Мустақиллиги эълон қилинган кун эрталабдан барча шаҳар ва районларда байрам дастурхонлари ёзилиб, халққа ош берилади. Наврўз айёмидек оммавий сайиллар, ўйин-кулги уюштирилади. Шу куни мактаб-интернатлар, қариялар, болалар уйларига, ногиронлар, бетоблар, кўп болали оилалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг уйларига бориб, уларга байрам совғалари улашилади. Савдо идоралари билан ҳамкорликда кўчма савдо ярмаркалари ташкил этилади, саноат моллари, озиқ-овқатлар, полиз ва мева маҳсулотларини сотиш уюштирилади. Корхона ва ташкилотларда, маҳаллаларда бадиий ҳаваскорлик жамоалари, санъат усталари иж-росида концертлар ташкил этилади. Кечқурун соат 19 да барча шаҳар ва районларнинг вакиллари Тошкентга келиб Мустақиллик майдонида бўладиган тантаналарда иштирок этадилар.

1 сентябрь куни ҳамма жойда байрам шодиёналари жойлардаги ташкилот комитетлари тузган дастурлар бўйича ўтказилади. Республика мустақиллигининг бир йиллиги махсус соврини учун корхоналар, хўжаликлар ва меҳнат жамоалари ўртасида спорт майдонларида, ўйингоҳларда, сайилгоҳларда оммавий мусобақалар, миллий спорт ўйинлари бўйича беллашувлар ташкил этилади.

Вилоятимиз район, шаҳарларидаги майдонлар, шоҳкўчалар ва марказ жойлар байрамга мос руҳда безатилади, шу мақсадда байрам арафасида ҳашарлар ўтказилиб, ободончилик ишлари олиб борилади. Аҳоли ва меҳнаткаш ҳашарчилар адабиёт, санъат арбоблари, ҳуқуқшуносларнинг, иқтисодчилар, билан учрашувлари, суҳбатлари ўтказилади.

Байрамни нишонлашга район ва шаҳарлардаги миллий-маданий марказлар кенг жалб этилиб, вилоятимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг байрам тантаналарида кенг иштирок этиши таъминланади.

1 СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

«Ўзбекистон—Ватаним маним!»

ЮРТИ БОЙНИНГ ЎЗИ БОЙ

Нафиса Содиқова, тарих фанлари доктори, профессор, музейшунос, халқаро музейлар комитетининг аъзоси. Ўзбекистоннинг моддий ва маданий ҳамда тарихий ёдгорликлари хусусида илмий изланишлар олиб борган, шу ҳақда асарлар ёзган.

— Юрти бойнинг ўзи бой, дейдилар. Бой ўлкамизга, шу бойликнинг эгаси бўлмиш халқимизга аср-асрлар мобайнида ҳам ҳавас, ҳам ҳасад билан қараб келдилар. Босқинчилар зулмидан қон қақшаган Туркистонга ўтган асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси қўшин тортиб, истибдод исканжасига олди. Босқинчилар халқимиз кўз қорачиғидек асраб келган осори-атиқалар, нодир қўлёзмалар ва китоблар, минг йиллар билан юз кўришган ёдгорликлар, маънавиятимиз жавоҳирларини ташмалаб кета бошладилар, — деди Нафиса Содиқова Ўзбекистон халқларининг Россия Федерацияси ҳудудидаги музейлар, кўргазмалар, кутубхоналар, архивларда сақланаётган маданий меросига тааллуқли обидаларни ўрганиш ва рўйхатга олиш билан шуғулланувчи комиссия мажлисида сўзлаб. — Ўзбекистон мустақиллигининг машаққатларини бошидан кечираётган ҳозирги даврда ўлкамиздан ташмалаб кетилган бойликларни ўрганиш, рўйхатга олиш ишларини тезлаштиришимиз зарур...

Орадан бир неча кун ўтиб, мен у кишига телефон қилдим. Мустақиллик байрами арафасида турганимизни, шу муносабат билан суҳбатлашиш ниятим борлигини айтдим.

— Миллий уйғониш маънавий уйғониш демакдир. Шукурким, ўзлигимизни англайдиган замон келди, — деди олима. — Биз сўнгги бир асрдан кўпроқ вақт мобайнида истилочилар кирдикорларининг қурбони бўлдик. Неча ўн йиллар мобайнида «саводсиз», «қолоқ» ўлка бойликларини таладилар. Мана бу рўйхатга назар ташланг.

Нафиса Содиқова Россиянинг марказий шаҳарларига ортиб жўнатилган осори-атиқалар, олтину кумушдан ясалган нафис заргарлик буюмлари, ноёб ёдгорликларнинг рўйхатини менга узатди.

— Олтиндан ясалган заргарлик буюмлари, Юзтадан кўпроқ. 1878 йили Хивадан олиб кетилган, Санкт-Петербургда, эрмитажда сақланмоқда.

— 1878 йилда Хивадан 300 тадан кўпроқ, 1875-76 йилларда эса Қўқондан 130 та қадимий қўлёзмани олиб кетишган. Буларнинг ҳаммаси Санкт-Петербургда, Сальтиков-Шчедрин номидаги давлат кутубхонасида сақланмоқда.

— М. Ф. Фрунзе бошчилигидаги Қизил Армия 1920 йилда Бухоро амирининг карвонини қўлга туширган, унда қимматбаҳо ашёлар бўлган. Халқ ҳунармандлари тўқиган, ақлни лол қолдирадиган шойи газламалар, нафис кашталар шулар жумласига киради. Улар ҳозир Москва, Иваново, Нижний-Новгород, Астрахань ва Омск музейларида сақланмоқда.

— Ўрта Осиё халқлари мусиқа асбоблари мажмуи. 1872 йили Ўзбекистон ҳудудида А. Эйхгорн тўплаган бу асбоблар ҳозир Москвада, М. И. Глинка номидаги мусиқа маданияти музейида сақланмоқда...

Рўйхатга юзлаб, минглаб ашёлар, ёдгорликлар, қўлёзмалар номма-ном киритилиб, қачон, қаерга, ким томонидан олиб кетилгани ҳам зикр этилган. Бинобарин, ҳамма гап уларни ўз эгаси — ўзбек халқи қўлига топширишда.

— Ўзбекистон билан Россия ўртасида 1992 йил 30 май куни дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида шартнома имзолангач, бундай савобли тадбирларни амалга ошириш учун қулай имконият яратилишига умид пайдо бўлди.

— Сиз мустақиллигимиз нишоналарини нималарда кўрасиз?

— Бундан атиги уч-тўрт йил илгари мабодо истиқлол тушимизга кирса, бировга айтишга қўрқардик... Шу кунларга етказганига минг қатла шукур.

Мустақиллик қамраб бўлмайдиган тушунча, деб ўйлайман, унинг қирралари ниҳоятда кўп. Қисқагина суҳбатимизда мустақилликнинг баъзи жиҳатларига тўхталишимиз мумкин холос.

Бугун метрода келаётганимда ҳаёл қурмағур не куйларга солмади дейсиз! Ҳаётнинг гўзал ва ширин томонларини ҳам кўра билиш керак экан. Қилдан қийиқ ахтараверган билан бирор наф чиқмайди. Шинам ва ораста пойтахтимиз, киши сайр қилиб чарчамас равон кўчалар, кошоналардан афзал метро бекатлари... тўғри, буларнинг ҳаммаси меҳнатни ўз умрига мезон қилиб олган халқимизнинг пешона тери билан бунёд бўлган.

Лекин, мен «Совет империяси» деб аталаётган даврда эл-улусига, туғилиб ўсган юртига яхшилик қилиб, унинг кўкрагини кўтаришга жон-дили билан уринган арбобларимиз қаторида Ш. Рашидовни кўраман. Ёки Усмон ота Юсуповни олайлик. Оғир уруш йиллари... даҳшатли жанглар кетаётган ерлардан республикамизга одамлар, на фақат улар, бутун бошли завод ва фабрикалар кўчиб келган. Биргина Тошкент авиация заводини эсланг.

Олтин водий деб аталмиш гўзал Фарғонага ҳаёт бахш этиб, тўлқин уриб оқаётган катта Фарғона канали Усмон отанинг номи билан боғлиқ эмасми?

Шахсга сиғиниш қораланган йилларни, ўша даврда Нурриддин Акромович Муҳиддинов қилган хизматларни ким унутарди, дейсиз? А. Икромов, Ф. Ҳўжаев сингари «халқ душманлари» — давлат арбобларимизнинг, А. Қодирий, Ў. Носир каби қатағон қилинган улкан адиб ва шоирларимизнинг покиза номлари Н. А. Муҳиддинов ташаббуси билан тикланган эди-ку!

Юртбошн И. Каримовнинг истиқлол йўлидаги куч-ғайратлари ҳурмат, эҳтиром, эъзозга лойиқдир.

Биз мустақиллик байрами арафасида ватанимиз, халқимиз ташвишини ўз ташвиши деб билган ва билаётган намояндаларимизга ҳам ҳурмат бажо келтиришимиз керак, деб ўйлайман. Ўз ўтмишини унутмайдиган, моддий ва маданий қадриятларини кипригида авайлаб-асраб, фидойи фарзандларини ардоқлайдиган юрти ҳам, ўзи ҳам бой халқ завол топмайди.

Б. АБДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

ЮБИЛЕЙ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

31 июль куни Тошкентда таниқли жамоат ва давлат арбоби, машҳур адиб Ш. Р. Рашидов туғилган кунининг 75 йиллигига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш учун тузилган юбилей комиссиясининг мажлиси бўлди. Республикада шу йилнинг ноябрида бу юбилейни кенг нишонлаш кўзда тутилган.

Мажлисни комиссия раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков бошқарди. Тантаналарга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар режаси муҳокама қилинди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси «Картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари ва қуруқ меванинг 1992 йилги чекланган харид нархлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда картошканинг, мева-сабзавот маҳсулотлари асосий турларининг ва қуруқ меванинг янги чекланган харид нархлари тасдиқланди (иловага мувофиқ). Шунга кўра корхоналар, хўжаликлар, тайёрлов ташкилотлари, кооперативлар, деҳқон хўжаликлари, ижарачилар, шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг эгалари ва фуқаролар республикадан ташқарига олиб чиқиб кетадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига солинадиган бож миқдорлари қайта кўриб чиқилди.

Вазирлар маҳкамасининг «Картошка, мева-сабзавот маҳсулотлари ва қуруқ меванинг харид нархларини ўзгартириш тўғрисида» 1992 йил 14 апрелдаги 188-рақамли қарори 2-банди 3-абзацининг амал қилиши сақлаб қолинди. Бунда ҳукуматлараро битимлар ва бевосита хўжалик алоқалари бўйича мева-сабзавот маҳсулотини республикадан ташқарига етказиб берувчи корхоналар, хўжаликлар ва ташкилотлар бож тўлашдан озод қилиниши белгилаб қўйилган эди.

Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлигига бир ҳафта муддат ичида янги чекланган харид нархларининг тегишли жорий нархларини манфаатдор вазирликлар ва идораларга етказиш вазифаси топширилди.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИГА ИЛОВА

Мева-сабзавот маҳсулотларининг чекланган

ХАРИД НАРХЛАРИ

(тоннаси учун сўм ҳисобида)

Картошка	
1 августдан мавсум охиригача	6000
Пиёз	
1 августдан мавсум охиригача	4000
Карам	
1 августдан мавсум охиригача	3000
Палаги қирқилган янги овқатбоп сабзи	
1 августдан 30 сентябргача	4000
1 октябрдан мавсум охиригача	3000
Янги қизил помидорлар	
1 августдан 30 сентябргача	4000
1 октябрдан мавсум охиригача	5000
Саноатда қайта ишлаш учун янги қизил помидорлар	
1 августдан мавсум охиригача	3000
Янги олмалар	6000
Овқатбоп узум навлари	6000
Қуруқ мевалар	40000
Майизлар	45000

ИЗОҲ. 1992 йилнинг 1 августидан янги бодринг ва нок учун шартномавий (эркин) харид нархлари жорий этилсин.

• *Тижорат ва муаммо*

ИШБИЛАРМОНЛАР ЎҚИТИЛЯПТИ

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳақиқий мустақиллик, иқтисодий янгиланиш ва маънавий покланиш томон шаҳдам қадам ташламоқда. Олий Кенгашнинг ўнинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов айтганидек, дунё аҳли Ўзбекистонни таний бошлади. Ўзбекистоннинг буюк иқтисодий ва маънавий имкониятларидан хабардор бўлди. Шу шароитда кадрлар тайёрлашнинг сифатини ошириш, биринчи навбатда иқтисодий соҳадаги мутахассислар тайёрлаш имкониятларини кенгайтириш масалалари кўндаланг бўлиб турибди. Бу борада Республика Вазирлар Маҳкамаси қошидаги раҳбар ходимлар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш тармоқлараро олийгоҳи негизида ташкил қилинган ишбилармонлик миллий университети ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Университетда машғулотлар асосан ишбилармонларнинг обрўси ва ижтимоий моҳиятини ошириш, ватанпарварлик туйғуларини ўстириш, уларнинг фуқаролик мавқеини оширишга қаратилган. Университетда шу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда ўзларининг чет эллик ҳамкасбларидан қолишмайдиган мутахассислар — менежментлар, акционерлар, брокерлар, юқори малакали референтлар, бухгалтерия ходимлари, энг юқори талабларга жавоб берадиган манекенчилар, савдо дизайнининг режиссёрлари тайёрланади, инглиз тилини ўрганиш бўйича курслар ишлаб турибди. Биргина 1992 йилнинг ўтган даврида бу ерда 183 акционер, 87 брокер, 62 бухгалтерия ходимлари тайёрланди, 3,5 ойлик менежерлар тайёрлаш курсини 33 киши битириб чиқди, 25 нафар қизларга уч ойлик ўқишдан кейин манекенчилик сертификатлари ва гувоҳномалари топширилди, 45 йигит-қиз етти ойлик референтлик курсини тугатдилар, 11 нафар қиз ва йигит биринчи марта савдо дизайнининг малакали мутахассиси бўлди. Бир ойлик (тезкор), икки ойлик ва уч ойлик инглиз тилини ўрганиш курсларини 180 дан ортиқ киши тугатди. 9 ойлик ташқи иқтисодий менежментлик курсларида ўқиш давом этмоқда. Ҳаммаси бўлиб 630 дан ортиқ киши университет гувоҳномаси ва сертификатларини олди.

Шиддат билан ривожланиб бораётган янги иқтисодий ўзгаришлар, хусусийлаштириш ҳаракатлари, акционерлик, қимматбаҳо қоғозлар ҳажмининг ўсиб бориши — бутунлай янги соҳада ишлаш учун махсус акционерлар тайёрлашни тақозо этмоқда. Шу мақсадда «Акционерлик. Қимматбаҳо қоғозлар билан муомалалар» курси Ўзбекистон республика универсал мол-фонди «Тошкент» биржаси билан биргаликда ўтказилмоқда. Айниқса, бунда «Тошкент» биржаси фонд бўлимининг бошлиғи иқтисод фанлари номзоди, доцент И. Л. Бутиковнинг «Қимматбаҳо қоғозлар тушунчаси, уларнинг кўринишлари ва характеристикаси», «Акционерлик жамиятлари, уларни ташкил қилиш, бошқарув органлари», «Фонд биржаси ва биржа муомалаларининг механизми» каби ва бошқа мавзулардаги лекцияларни тингловчиларда зўр қизиқиш уйғотмоқда.

Бу курс бўйича машғулотларнинг ярмидан кўпи бевосита «Тошкент» биржасида ўтказилади. Амалий машғулотлар компьютерлар билан ишлаш йўлларини юқоридаги биржа бошқармаси раисининг биринчи ўринбосари В. Ергашбоев, биржа фонд бўлимининг катта даллоли В. Жўраев, брокерлик идорасининг бошлиғи С. Шаҳобиддинов, бўлим бошлиғи Т. Шодибоев, бош бухгалтер Н. Самульская ва бошқалар олиб борадилар.

Университетда лекциялар ўқиш, семинар ва амалий машғулотлар ўтказишга Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари, Москва, Санкт-Петербург шаҳарлари, Англия, Америкадан кўзга кўринган иқтидорли олимлар, бозор иқтисодиётини ўрганувчи масъул кишилар жалб қилинадилар.

Одатда менежерлар, акционерлар ва брокерлар тайёрлайдиган курсларда биринчи машғулотлар «Иш юзасидан ўрнатиладиган алоқаларнинг руҳий қонуниятлари» мавзусида ўтказилиб, уни Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув институтининг доцентлари, руҳий фанлар номзодлари Т. Г. Хашченко ва М. В. Волковлар олиб боришади.

Курсларда лекцияларни Тошкент молия институтининг профессори М. С. Ангелиди, банкларнинг қимматбаҳо қоғозлар билан муомалалари ҳақида ўқийди. Мол биржаларида савдо муомалаларининг асослари. Савдо-воситачилик муомалаларининг асослари деб номланган лекциялар курсини Москва халқаро алоқалар давлат институтининг доценти О. Б. Ломакина олиб боради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Божхонаси бошқармаси бошлиғининг ўринбосари С. Орипов, шу бошқарма масъул ходими Б. Абдуллаевлар «Божхона қонунчилиги асослари», «Халқаро иқтисодий алоқалар қатнашчиларининг ташқи иқтисодий фаолиятини назорат қилиш» мавзуларидаги маърузалари ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. «Средазэлектроаппарат» заводининг бош директори А. Олимбоевнинг ишлаб чиқаришни бошқаришга бағишланган лекциялари ва шу мавзу бўйича заводда олиб борадиган амалий машғулотлари тингловчиларда катта таассурот қолдирмоқда.

Лондондаги ишбилармонлик бўйича маслаҳат агентликларидан бирининг директори Ричард Аильямс яқинда бу ерда бўлиб, тингловчилар ўртасида «Иш юзасидан бўладиган муомалаларни, маркетингни режалаштириш», «Солиқ солиш» мавзуларида суҳбатлар олиб борди. Лондонлик меҳмон шундаки, ўқув давомида бўлғуси акционерларга «Тошкент» биржасида ўтказиладиган қимматбаҳо қоғозлар билан бўладиган савдода қатнашиш имконияти берилади. Бунда улар кимошди савдоси ўтказиш, келишув битимларини рўйхат қилиш ва расмийлаштириш билан танишадилар, савдонинг нозик томонларини ўрганадилар.

Университетда ўқитилаётган фанларнинг сифати, қайси ўқитувчилар суҳбатини тингловчиларга яхши етказа олиши бўйича анкета-сўрови ҳам ўтказиб турилади. Яқинда 30 тингловчига берилган «Агар сизларда ҳам худди шундай курслар бўлганда, ўқитувчилардан қайси бирини ўзингизда дарс ўтишга таклиф қиларидингиз?» деган саволга уларнинг 29 таси «Тошкент» биржаси фонд бўлимининг бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди, доцент И. Л. Бутиковни танлашди.

Менежерлар тайёрлаш гуруҳида эса «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А. Олимбоев, Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув институтининг доценти М. В. Волкова, саноат савдо уйининг етакчи мутахассиси Э. Л. Угрюмовалар юқори баҳо олдилар. «Дастурга яна нималарни киритиш керак?» деган саволга: «дипломатия, солиқ сиёсати, ЭҲМ, молия менежменти ва бошқарув маркетинг, бухгалтерлик ҳисоби, чет элга тажриба алмашишга бориш» деган сўзлар ёзилган эди.

«Акционерлик жамияти фаолиятининг унумдорлигини аниқлаш» мавзусида Е. Орбов (Санкт-Петербург давлат университети) томонидан менежерлар гуруҳида ўтказилган очиқ машғулотда барча қатнашувчилар янги билимлар олганликлари, мавзунинг амалийлиги ва уни тушунарли, аниқ ва мантиқан тарзда етказилганлигини эътироф этдилар.

Университет Тошкент давлат маданият институти қошидаги «Маданият» маркази билан биргаликда фольклор-этнография дасталарининг, эстрада жамоаларининг раҳбарларини, миллий маросим ва тантаналар ўтказиш бўйича, ташқи савдода рекламани ташкил қилиш бўйича менежерлар, оила ва никоҳ хизматининг руҳшуносларини тайёрлай бошлади.

Шу йилнинг сентябридан бошлаб, университетда инглиз тилини ўрганиш америка маркази ишлай бошлайди. Унга ўқитувчиларни Тошкентнинг Американинг биродарлашган шаҳри Сиэтлдаги қўмита юборади. Англиядан ўқитувчи таклиф қилинган ҳолда таржимонлар учун махсус курс очилган.

Яқинда сиэтллик хоним Лорел Грей ташаббуси билан аёлларнинг инглиз клуби иш бошлади. Клуб президентлигига Лорел Грей хоним сайланди. Клубга 30 аёл аъзо бўлишиб, улар ойига 2 марта тўпланишади ва ҳозирги оғир шароитда аёлларнинг муаммолари тўғрисида фақат инглиз тилида суҳбатлашадилар. Улар модалар, болалар тарбияси, таом тайёрлаш, аёлларни бугун нима қизиқтириши тўғрисида юракдан сўзлашадилар. Университетда ўқитув ишлари фақат маърузалар, семинар ва амалий машғулотлар билан чекланмайди. Ҳар бир дастурга ҳужжатлар, қўлланмалар илова қилинади. Булар битирувчиларга курсни тугатгандан кейин ҳам керак бўлади. Турли мавзуларда халқаро семинарлар, конференциялар ўтказиб турилади. Масалан: «Бозорнинг долзарб муаммолари ва пахтани сотиш», «Ишбилармонликни бошлаш» каби мавзуларни тилга олиш мумкин.

Курсни тугатганлар белгиланган гувоҳнома ва сертификатлар оладилар. Яқин орада университет дипломи Ўзбекистондан ташқарида ҳам катта обрў ва қувватга эга бўлишига жамоанинг ишончи комил. Бунга шу йил июнда университет иши билан танишган Қайта қуриш ва ривожланиш Европа Банки банк мутахассисларини ўқитиш бўлимининг раҳбари жаноб Чарльз Бетс ҳам ишонч билдирди.

• Муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Кейинги вақтда транспорт ҳаражатларининг кескин кўтарилиши муносабати билан ҳозирча айрим тоифа тингловчиларимизни хорижга тажриба алмашишга юбориш имконидан маҳруммиз. Қоғоз олиш масаласида ҳам қийинчиликларга учраб турибмиз. Бу эса тингловчилар иш бошлашининг биринчи вақтида зарур бўлган ҳужжатлар, қўлланмалар, низомлар, кўрсатмаларни кўпайтириш ишларини қийинлаштирмоқда. Шунингдек, бино торлигидан айрим вақтларда ҳамма гуруҳларни бир вақтда аудиторияларга жойлаштира олмаяпмиз.

Туркиянинг тижорат ўқув юртлари билан алоқа ўрнатиш ниятларимиз ҳам йўқ эмас. Бу ўқитувчилар айирбошлаш, тингловчилар ва ўқитувчиларнинг ўзаро тажриба алмашишини ташкил қилиш имконини беради.

Бэлла КАЛАЧИНОВА,
Ишбилармонлик миллий университети директори, иқтисод фанлари номзоди,
Расул ҲОШИМОВ,
шу университет менежери, ҳуқуқ фанлари номзоди.

БАРТЕРГА АВТОБУСЛАР

ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинати ўнлаб катта-кичик корхоналардан ташкил топган. Уларнинг ҳар бирида минглаб ишчи-хизматчилар меҳнат қилиб, бойлик яратмоқдалар. Кончиларнинг вақтида ишга борибкелишини таъминлаш осон эмас. Илгари комбинат ўзига қарашлиларидан ташқари ўнлаб автобусларни ёлларди. Бозор иқтисодиёти муносабати билан бу жуда қиммат-га тушадиган бўлиб қолди.

Шу сабабли раҳбарият ихтиёридаги автобусларни кўпайтириш йўлини тутди. Нақд пулга харид қилиш қийин бўлиб қолганлиги сабабли бартер, яъни маҳсулот айирбошлаш усули қўлланилди. Комбинат Украинанинг Львов шаҳридаги автобус заводи маъмурияти билан келишиб 18 та янги автомашина олди. Бунинг эвазига ўз маҳсулотларини жўнатди. Урал автозаводи билан ҳам шундай қилиниб, тоғ шароитларида, йўлсиз кенгликларда ҳам бемалол юрааладиган 16 та машина олди. Бу машиналар ишчи-хизматчилар узоғини яқин қилишда фойдаланиляпти. Улар Сариқ-чўққи, Қалмоққир, Учқулоч ва бошқа кону корхоналар жамоаларига хизмат кўрсата бошлади.

Ҳ. АБДУЛЛАЕВ.

ХЎЖАЛИК ҲИММАТИ

ТОШКЕНТ вилоятидаги «Огонёк» совхоз-заводи мева етиштириб берадиган йирик, илғор хўжаликлардан бири. Хўжаликда чорвачилик ҳам яхши тараққий этган.

Шунинг учун совхоз ҳудудидаги боғча-мактаблар оталиққа олинган. Районда биринчи бўлиб 36-, 51-, 6-мактаблар, жорий таъмирлаш ишларини тугаллаб, янги ўқув йилига шай қилиб қўйилди. Синф хоналари янги-янги техник воситалар билан жиҳозланди. Ҳар йили боғча тарбиялануучилари, мактаб ўқувчилари сут, мева-чева билан техника таъминланмоқда. Кунига 500 литр сут ажратилаётгани қувончлидир.

Боғча-яслилар сут билан тўлиқ таъминланган. Мактабларда овқатланиш совхоз зиммасида. Хуллас, ота-оналарнинг болаларидан кўнгли тўқ. Бу эса уларни хотиржам, баракали ишлаши омилидир.

С. САЪДУЛЛАЕВ.

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ қадоқлаш-ўраш асбоб-ускуналари тажриба-конструкторлик ва технологик бюроси концерн мақомини олди. Эндиликда у «Узконцернмаш» деб юритилади. Унинг ходимлари турли рўзғор хомияси буюмларини қадоқлаш ва ўраш учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқиш ва тайёрлаш билан шуғулланадилар. Бундан ташқари бу ерда озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликларни сотишга тайёрлаш учун турли хил техника воситаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Республикамиздаги юзлаб корхоналар ва хўжаликлар концерн билан ўзаро амалий ҳамкорлик ўрнатдилар.

СУРАТДА: банкалар, флаконларни ўраш учун автоматлашган линияни йиғиш участкасида.

Р. ШАМСИДДИНОВ сурати. (ЎзА).

«ИФЛОС» ХОМ АШЁГА ТЎСИҚ ҚЎЙИЛМОҚДА

Ўзбекистон металлургия заводининг электр пўлат эритиш, мартен цехларида, шунингдек темирйўл станциясидаги автотарозиларда стационар дозиметрия асбоблари ўрнатилди. Бу ерга МДҲнинг турли минтақаларидан минглаб тонна хом ашё ва материаллар — темир-терсак, ўтга чидамли материаллар, ферро-қуймалар келиб туради. Кўпинча материаллар таркибида кўп миқдорда радиоактив моддалар бўлгани ҳолда келтириладики, завод лабораторияси маълумотлари ана шундан далолат беради.

Бекободлик дозиметриячилар илгари ҳам назорат ишларини олиб боришар, зарур чоралар кўришар эди, аммо эндиликда «ифлос» хом ашёга ишончли тўсиқ қўйилди. Махсус асбоблар радиоактивлик даражаси юқорилигини бир зумда пайқаб олади, товушли сигнализация автоматик тарзда ишга тушади. Радиактив моддалар билан зарарланган хом ашё олиб келинган юклар орасидан ажратиб олиниб, зарарсизлантирилади.

(ЎзА мухбири).

ҲОРИЖДАН ХАБАРЛАР

● «Исроилда ҳукумат алмашиниши Яқин Шарқ муаммоларини ижобий ҳал этишда янги имкониятлар туғдирмоқда»,— деди Америка Қўшма Штатлари давлат котиби Ж. Бейкер. «Бизлар араблар билан исроилликлар ўртасидаги яраш томон силжимоқдамиз»,— деб таъкидлади Урдун қироли Хусайн. Яқин ўртада Яқин Шарқ муаммоларини ҳал этиш хусусида бундай умидвор фикрлар эшитилмаган эди. Мадридда дастлабки пойдевори қўйилган араблар билан Исроил ўртасидаги бир неча йиллардан буён чўзилиб келаётган минтақавий можароларни ҳал этиш бўйича эндиликда қандайдир янги имкониятлар вужудга келмоқда. Яқин Шарқда тинчлик ўрнатилишидан манфаатдор бўлган жаҳон жамоатчилиги бундай гап-сўзларга алоҳида вужуд билан қулоқ тута бошлади. Исроилда парламент сайловларида «Авод» партияси ғалаба қилгач, бош вазир И. Рабин раҳбарлигидаги ҳукумат араблар билан бўладиган муносабатларда янгича сиёсат юргазиш йўлидан боришга ваъда қилди. Бу ваъдалар қанчалик мустаҳкам асосга эга эканлигини яқин келажак кўрсатади.

● 1 АВГУСТДАН бошлаб Польшада электр энергия ва газ нархи олти фоизга ошди. Иссиқ сув ҳамда марказий иситиш қийматлари ҳам 12 фоизга кўтарилди. Ундан аввал ўтган ҳафтада бензин нархлари ҳам қимматлашган эди. Натижада транспорт ҳаражатлари ўзгарди, чакана нархлар бошқача бўлиб қолди. Бундай қимматлашувнинг аҳоли табиатига таъсири ижобий бўлгани йўқ. Кўпчилик биринчи кунлардан бошлабоқ норозилик билдира бошладилар. «Трибуни» газетасининг қайд қилишича, бу сафарги қимматлашув 11 миллион меҳнаткаш ҳамёнига зарба беради.

● ИСРОИЛ пойтахти Тель-Авивда чиқадиган газеталар ўзларининг биринчи саҳифаларида Ироқ президенти Саддам Хусайннинг бир нечталаб суратларини чоп этдилар. Унда С. Хусайн Ифрат дарёсини сузиб ўтаётган пайтда тасвирланган. Гап шундаки, «араб миллатининг қаҳрамони» (С. Ҳусайн сифатларидан бири) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мутахассислари 29 июль куни Бағдодни ташлаб кетганларидан сўнг «ўз ғалабасини» шу тариқа ишонлаган. Рўзномаларнинг ёзишларига қараганда, бир неча ойлик жанжаллардан сўнг зироат вазирлиги биносига кирган БМТ мутахассислари оммавий қирғин қуроллари — ядровий ва кимёвий қуролларга даҳлдор бўлган бирон-бир ҳужжатни топа олмадилар. Жаҳон жамоатчилиги наздида С. Хусайн ғалаба қилгандек бўлди.

● АҚШда чиқадиган «Уолл-стрит Жорнэл» газетаси ўз саҳифасида чоп этган мақолада Россия ҳукуматининг ҳозирги ислоҳотга доир дастурлари чет эл инвестицияларини Россия иқтисодиётига жалб этиш имкониятини берса керак, деб ижобий хулоса чиқарди. Инвестициялар бўйича Москвага маслаҳатлар берадиган «Голдман Сакс интернэшнл» компаниясининг вице-президенти Уильям Кроули корхона раҳбарлари янаги йил бошида чет элликларга ўз акцияларини сота бошлагач, юқоридаги ҳолат вужудга келади, деб ишонч билдирди.

● СОБИҚ Германия Демократик Республикасининг собиқ раҳбари Э. Хонеккер Москвадан Берлинга жўнатиб юборилгач, у машъум «Моабит» қамоқхонасига жойлаштирилди. Куни кеча эса адлия маъмурлари Хонеккер оқловчиси ҳузурида унга қўйилган айблар мажмуасини ўқиб бердилар. Э. Хонеккер бунга жавобан ҳеч қандай баёнот бермади. У «оддий маҳбуслар» қатори хибсхона госпиталига жойлаштирилди.

● МАЪЛУМКИ, Болгария пойтахти Софияда Болгария давлати ва коммунистик партия собиқ раҳбари Тодор Живков устидан суд бўлаётган эди. Яқинда бош прокурор собиқ раҳбарга қўйилган айблар баённини эълон қилгач, суднинг яна бир босқичи ниҳоясига етди. Дастлабки маълумотларга қараганда, Т. Живковга давлатга 1,5 миллион доллар миқдорида зарар етказилганлиги асосий айб сифатида қўйилмоқда. Суднинг навбатдаги мажлисларида оқловчи томон фикрлари тингланади. Шундан сўнг охирги ҳукм эълон қилинади.

● ЯҚИНДА оммавий ахборот воситаларида Македония пойтахти Скопье шаҳри яқинида «Волга — Днепр» авиакомпаниясига қарашли АН-12 самолётнинг фалокатга учраганлиги тўғрисида хабарлар босилиб чиққан эди. Қидириш ишлари қийин шароитларда давом этди. Шаҳар атрофидаги тоғли ҳудудлардан бирида самолёт қолдиқлари топилди. Самолётни бошқарган саккиз нафар экипаж аъзолари ҳалок бўлганлиги аниқланди. Шу орада ҳалокат жараёнини ёзиб олувчи «қора яшчик» ҳам топилди. Унда қайд қилинган сўзлашувлар текширилгач, ҳалокатнинг асосий сабаблари маълум бўлади.

ҲОРИЖДАН ХАБАРЛАР

• *Табиат ва инсон*

СУВНИ ТЕЖАЙЛИК

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА, вилоятимизда табиатнинг буюк инъоми бўлган сувни тежаш ундан оқилона фойдаланиш масалаларига доим катта эътибор бериб келинмоқда. Бунинг сабабини изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Айниқса, бизнинг республикамиз шароитида сув бебаҳо дурдона, ҳаётнинг асоси ҳисобланади.

Шундай бўлгач, унинг самарасиз фойдаланилишига чек қўйиш, исроф бўлишининг олдини олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Пойтахт вилоятимиз табиатни муҳофаза қилиш шаҳар ва район қўмиталари ходимларининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги семинари ҳам шу масалага бағишланди. Сув танқислиги тобора сезилаётган, бундан кейин янада кучайиши назарда тутилаётган бир пайтда унинг ресурсларини муҳофаза қилиш ниҳоятда зарурдир.

Кейинги вақтларда «аҳолининг сув зичлиги» тушунчаси пайдо бўлди. У ҳар йили сув ҳажми бирлигига тўғри келадиган кишилар сонига қараб белгиланади. Сув ресурсларининг ифлосланиши жаҳон миқёсида ҳам ташвиш туғдирмоқда. Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилотида эса Чучук сув ресурслари сифати ва миқдорини таъминлаш, сув ресурсларини ривожлантириш, бошқариш ва улардан фойдаланишга мажмуий ёндашув мавзусидаги масала муҳокама қилинди. Европа иқтисодий ҳамжамияти эса бевосита сув ҳавзаларига оқизиладиган оқавалардан бартараф этилиши лозим бўлган 118 та хавфли моддалар рўйхатини белгилаб берди. Қисқа қилиб айтганда, ичимлик сув муаммоси умумжаҳон муаммоси бўлиб қолмоқда.

Шунинг учун ҳам республикамизда, шу жумладан вилоятимизда катта иқтисодий қийинчиликларга қарамай дарёлар ва сув омборларининг ҳолатини яхшилашга қаратилган комплекс тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда. Аҳолиси зич яшайдиган Тошкент вилоятида саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришларининг табиатга, шу жумладан сув ҳавзаларига зарарли таъсирлари билан боғлиқ бўлган кўпгина муҳим муаммолар тўпланиб қолди. Айни вақтда сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва оқилона фойдаланишда муайян тажриба ҳам тўпланганлиги ва тўпланаётганлигини қайд қилиш ўринлидир. Бу масалалар Янгийўл шаҳридаги биохимия заводи негизида ўтган семинар-кенгашда атрофлича муҳокама қилинди. Бу корхонада завод маъмурияти, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Бинокор» ширкати ва «Эколог» кичик корхонаси жамоаларининг кучғайрати билан аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб борилмоқда. Натижада саноат оқавоаларини тозалаш, сувнинг софлигини сақлаш ва тиклаш йўлида ижобий натижаларга эришиляпти.

Семинар-кенгашни очган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Т. Эргашев пойтахт вилоятининг турли регионларида сувни муҳофаза қилиш ва оқилона фойдаланишнинг аҳволини чуқур таҳлил қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги Ўзбекистон Республикасида «сув омборлари ва бошқа сув ҳавзалари, дарёлар, магистрал каналлар ва коллекторлар, шунингдек ичимлик ва рўзғор учун, даволаш ва маданий-соғломлаштириш мақсадлари учун ишлатиладиган сув манбаларининг сувни муҳофаза қилиш минтақалари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорининг аҳамияти ҳамда уни амалга ошириш бўйича қўмиталар олдида турган вазифалар тўғрисида тўхталди. У йиғилганларга Франция ва «бизнинг умумевропа боғимиз» мавзуида ўтган парламентлараро конференцияда сув ресурсларини муҳофаза қилиш масаласи муҳокама қилинганлиги ҳақида гапириб берди ва сувнинг атроф-муҳитни сақлашдаги беқиёс роли алоҳида кўриб чиқилганлигини ва у снёсий даражадаги масала деб тан олинганлигини таъкидлади. Европа экологларининг ушбу конференциясида Ўзбекистон делегацияси Ўрта Осиё республикалари ичида якка қатнашди.

Семинарда тўпланган тажрибани ўртоқлашишга алоҳида эътибор берилди. Янгийўл шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси В. Маҳмудов шаҳар қўмитасининг сув омборлари, тозалаш иншоотларининг санитария ҳолатини яхшилаш, шаҳар ҳудудини қўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш масалалари бўйича доимий депутатлар комиссиялари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораётганлиги яхши самара бераётганлиги ҳақида ҳикоя қилди. Биохимия заводи директори Ю. Архипов заводнинг тозалаш иншоотларига «Бинокор» ширкати қандай самарали хизмат кўрсатаётганлиги ва у қандай ташкил этилганлиги ҳақида батафсил ҳикоя қилди. Фарғонада жойлашган бу ширкатнинг вазифаси таҳсинга сазовордир. У оқава сувларни тозалаш ишини асосли ва оқилона йўлга қўйганлиги билан, бу соҳада самарали иш усулларини топганлиги билан кўпчиликнинг оғзига тушмоқда.

«Бинокор» ширкати раҳбари К. Хегайнинг корхона иш тажрибаси ҳақидаги маърузаси катта қизиқиш билан тингланди.

— Сувни тозалашнинг ўзи кифоя қилмайди, ундан иложи борича кўпроқ фойда олиш керак,— таъкидлади К. Хегай.— Сув чўкиндиларидан биогумус олиш мумкин. Ҳаммага маълумки, у тенги йўқ ўғит ҳисобланади. Ҳатто валютага сотиб олувчилар ҳам кўп. Шу мақсадда биз Калифорния қизил чувалчангларини харид қилдик. Уларнинг 100 мингтаси бир ҳафтада 2 тонна чўкиндини қайта ишлаб, бир тонна биогумус ҳосил қилиши мумкин. Шу йилнинг ўзидаёқ биз 3 тонна шундай ўғит олдик. Келгуси йилда бу рақам ками билан 20 баравар кўпаяди. Нима учун Калифорния «ишлаб чиқарувчи»ларини Янгийўл заводида ҳам ишлатиш мумкин эмас? Ундан қандай наф кўрилади? Уни қаерда жорий қилинса фойдаси кўп бўлади. Биохимия заводи тажрибаси ҳам шундан далолат бериб турипти. Биз бошқа корхоналар жамоалари билан ҳам ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Шаҳар санэпидстанцияси-нинг бош врачи Г. Неизвестних табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан яқин ҳамкорликдаги иш самараси ҳақида гапириб берди. Бу ижобий натижалар бермоқда.

Ичимлик сув таъминоти бизнинг ишимиздаги асосий вазифаларнинг бири ҳисобланади,— деди у.— Ҳозирги вақтда ичимлик сув таъминоти яхшиланиб бормоқда. Янгийўл шаҳри эса у билан 98 фоиз таъминланган. Бироқ, шунга қарамай, бизда муаммолар ҳам йўқ эмас. Айниқса, саноат корхоналари ер ости сувлари манбаларини, сув муҳофазаси минтақаларини ифлослантиришни давом эттирмоқда. Табиат муҳофазаси соҳасидаги ишлар самарасини ошириш учун мутасадди ташкилотларнинг ҳамкорлигини яна кучайтириш зарур.

Семинар қатнашчилари биохимия заводида бўлиб, сувни муҳофаза қилиш иншоотлари иши билан яқиндан танишдилар. Улар Тошкент вилоятининг барча меҳнаткашларига қарата «Сувни муҳофаза қилинг, сув бу ҳаёт демакдир» мурожаатини қабул қилдилар.

Ч. ПЕРЕПЕЛИЦИНА,
М. МАҲМУДОВ.

ЎТГАН КУНЛАРИНГНИ УНУТМА...

ТОШКЕНТЛИК АЪЗАМ ҲОЖИ ИКРОМҚОРИ ЎҒЛИ МУСАШАЙХОВ ВА УНИНГ ХОРИЖГА БОШ ОЛИБ КЕТГАН ҚАРИНДОШЛАРИ ХУСУСИДА

Бу каттакон гуноҳ
меники, оллоҳ,
Дарё дил сеники,
сабру тоқатсен.
Шу қадар каттакон мен
қилган гуноҳ,
Кечира олгайсан уни
фақат сен...
Карим БАҲРИЕВ.

БУ МУБОРАК кунни у жуда узоқ кутди. Ўрта Осиёнинг беш юз нафар фуқароси билан бирга тайёрада Тошкентдан Саудия Арабистони томон йўл олди. Мусулмонларга фарз қилинган «ҳаж» амалини адо этмоқ учун муқаддас Маккa шаҳрига кетаётганидан қувонса, бир томондан у ердаги қариндошлари, жигаргўшалари тақдиридан ҳавотирланарди. Ахир, орадан озмунча вақт ўтдими? Нобоп сиёсат, даврнинг шубҳа-гумонлари туфайли шу пайтгача хорижда қариндошларимиз йўқ, деб келди, улардан мажбуран «тонди». Лекин, жигарчиликлар экан, ота-онасининг акаукалари, хеш-ақробаларини соғинар, юраги туздек ачишарди.

Ўтган йили 63 йил деганда тоғаси Аҳрор ҳожининг ўғли Абдураҳим ҳожи Тошкентга келди. Йиғлашиб-қучоқлашиб кўришдилар. Юзларидан нур ёғилиб турадиган Абдураҳим ҳожи қариндошлари даврасида хориждаги мусофирлар ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилиб берди. «У ерда сизларга ўғай кўз билан қарашмайдими? Тирикчиликларингиз оғир эмасми?» деган саволларга ҳожи мулойим кулимсираган ҳолда шундай жавоб берган эди: «Шуни бир яхши билиб қўйингки, Саудияда мусулмонлар ўртасида меҳр-оқибат кучли. Айниқса, мусофир муҳожирлар бир-бирларини астойдил қўллаб-қувватлайдилар, уларни Она Туркистон соғинчи, умумий дард бирлаштириб туради. Она тилимизни муқаддас деб биламиз, уни фарзандларимизга, набираларимизга ўргатамиз. Туркистонликлар мумкин қадар ўз ватандошлари билан қуда-андачилик қилишга интиладилар. Мусулмонларнинг муқаддас шаҳри Маккада тирикчилигимиз худога шукр, ёмон эмас, савдогарчилик, тижорат ишлари билан шуғулланамиз, мусофирлар орасидан бирор иш билан шуғулланмайдиган бекорчиларни тополмайсиз. Вақт биз учун ниҳоятда қадрли, аниқ мақсад билан яшаб, ишлаймиз, тоат-ибодатни канда қилмаймиз, эътиқодимизни мустаҳкам тутамиз». Абдураҳим ҳожининг Саудияда дўконлари, меҳмонхоналари бор экан. Қани энди, бизда ҳам Абдураҳим ҳожидек кишилар кўпайса, назари оч, «торт-торт» касалига учраган халқимизнинг ҳам кўзи тўйиб, туркистонликлар шуҳратини жаҳонга ёйса!

Аъзам ака ёнидаги ўриндиққа ўтирган Сурайё опага қаради. У ҳам қаяжонланарди. Қаяжонланмасдан бўлармикин?! Узоқ йиллардан бери Маккага йўл очилган муборак кунда сафарга отланганларнинг ҳар бири ғаройиб ҳис-туйғулар оғушида эди.

Ҳаж сафарига йўл олганлар Жидда шаҳрига номози асрда етиб келдилар. Жидда —Макка йўлида илк бор муборак зам-зам сувидан ичдилар...

... Қаршимда Аъзам ҳожи ўтирибди. Таассуротлари ниҳоятда кўп — айтган билан тамом бўлмайди, бу таассуротларни кичик мақолага сиғдириш ҳам қийин.

— Муҳтарам ҳожи ака, ота-онангиз, хорижга кетган қариндош-уруғларингиз хусусида ҳикоя қилиб бермасангиз?

Ҳожи аканинг ҳикояси ҳам қувонч, ҳам ўкинчаламларга тўла эди.

... Аъзам аканинг отаси Икромқори тиловат қилганда юраклар селдек оқар, кўзларда беихтиёр ёш пайдо бўлар, одамларнинг руҳи енгил тортиб, табиатлари равшанлашарди. Ҳақиқатан ҳам қорининг жарангдор, ширали овози қандайдир сеҳрли таъсирга эга эди. Шунинг учун бўлса керак, Тошкентнинг ман-ман деган бойлари, савдогарлари ўз маърака-маросимларига қорини олиб келиш учун ҳафталаб навбат кутишар, уни уйидан ясатилган извошларда обрў-эътибор билан олиб кетишарди.

Қорининг оила аъзолари ислом динига чексиз ҳурмат, эътиқод руҳида тарбия олишди. Лекин, Туркистонга шўролар инқилоби даҳрийлик — эътиқодсизлик маразларини тарқатди, масжидлар ғорат қилинди, муқаддас китоблар ўтга ташланди, жойномозлар топталди, хуллас, «даҳрийман» деган қутилди, диндорлар таъқиб остига олинди. Қори ва унинг фарзандлари, қариндошлари ўз дин-имонларини сотмадилар, она Туркистонни ғорат қилаётган «қизил»лар этагини ўпишдан кўра, этак силкиб, бош олиб чиқиб кетишни афзал билдилар. Биринчи бўлиб, қорининг катта ўғли Каримжон Тошкентдан чиқиб кетди. У бироз муддат Афғонистонда яшаб, сўнг Саудия Арабистонига кўчди. Қорининг укаси Аҳрор ҳам хорижга кетди, умрининг охиригача шу ерда яшади, юз ёшга кириб, вафот этди. Инқилобдан аввал қорининг турмуш ўртоғи Раҳбарнисонинг опалари, инқилобдан кейин эса акалари оилалари билан Саудияга ҳижрат қилишди.

— Мен бу кунни узоқ кутдим, — деди Аъзам ҳожи ака. — Бир сафар бахтим кулиб, йўлим очилганда Москва рухсат бермади, хорижда қариндошларим борлиги тўсқинлик қилди. Мана, ниҳоят, Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси, ҳаракатлари билан ҳаж сафарига бориш бахтига муяссар бўлдик.

— Хориждаги ватандошларимиз сизларни қандай кутиб олишди?

— Инсон қаерда яшамасин, она юртини ёддан чиқармас, бир умр унга интилиб яшар экан. Ватандошларимиз бизлар келаётганимизни эшитиб, узоқ шаҳарлардан тайёрагоҳга келиб, интиқ-интизор бўлиб кутиб туришган экан. Ватандошлар учрашувида йиғлаган ҳам йиғлади, йиғламаган ҳам йиғлади. Юзларидан нур ёғилиб турган отахонлар ўзбекистонликларни бағриларига маҳкам босиб йиғлашар, қариндош-уруғларини суриштиришарди. Улар бизнинг суҳбатимизга зор эдилар, ҳар бири меҳмондорчиликка таклиф этарди. Қани энди, ватан соғинчи юрак-бағриларини кабоб қилган кишиларникига бориш имкониятига эга бўлсак! Сафаримиз режа асосида тузилган, ортиқча вақтимиз йўқ эди. Зиёратчиларнинг бир гуруҳини «Андижон» меҳмонхонасига жойлаштиришди, дам олиб, ҳордиқ чиқаринглар, дейишди. Гарчи, узоқ йўлдан ниҳоятда эзилган-ҳориган бўлсам-да, жигаргўшаларимдан хабар топиш илинжи тинч қўймасди. Арабистондаги туркистонликлар бир-бирларини яхши танишади. Шоёд қариндошларимни биладиган кишиларни учратсам, деган ҳаёлда кўча айланиб юрган эдим, араб либосига ўралган, оппоқ соқолли мўйсафид олдимга келиб, соф ўзбек тилида салом берди:

— Инним, сиз Ўзбекистондан эмасмисиз?

— Ҳа, ўша ерданман, ҳаж сафари билан келдим, — дейишим билан титроқ қўллари билан мени бағрига босди. Отахоннинг кўзларида дув-дув ёш оқарди:

— Оллоҳга беадад шукр-ким, 65 йил деганда юртдошимни кўрдим. Туркистонликлар ҳаж зиёратига келишармиш деган хабарни эшитганимдан бери тинчимни йўқотдим, мана, сизни кўриб, ватанимни кўргандек бўлдим. Меҳмон, Туркистонда мусулмончиликка йўл очилди, деб эшитаман? Наҳотки, шу рост бўлса?

— Рост, отахон, рост. Масжидлар таъмирланиб, янгилари қуриляпти, барча диний маросимларимизни бемалол амалга оширяпмиз, ислом динига эътиқод, араб тилига қизиқиш кучайди. Мана, етмиш йил ичида биринчи марта ҳаж сафарига расмий равишда рухсат берилди.

Отахон соқолини силаб, бошларини қимирлатиб Аъзам аканинг сўзларини тинглар, кўзларидан дув-дув ёш оқарди.

— Биз мусофир туркистонликлар президентларингиз Ислом Каримов жаноблари ҳамиша дуо қилурмиз, ҳамиша тан-жонлари соғ-саломат, имон-эътиқодлари бақувват бўлсин. Меҳмон, мен сизга айтсам, бу шўролар бошимизга кўп савдолар солди, диндорларни қувғин қилди. 65 йил муқаддам шу ерга келиб, жон сақладик. Саудияда Туркистон мусулмонларини қучоқ очиб кутиб олишди, жароҳатланган дилларимизга таскин беришди. Худога шукрларким, диндошларимиз юртида елкамиз қисилмади, пиру-бадавлат яшаймиз. Фақат она юрт соғинчи қўймайди. Қани энди Тошкентга, қадрдон Зангиотамга борсам, ота-боболарим қадамлари теккан азиз тупроқларни юз-кўзларимга боссам! Оллоҳдан фақат шуни сўрайман...

Мўйсафид кўз ёшларини артиб, кулимсиради:

— Меҳмон, ўз дардларим билан бўлиб, сиздан ҳол-аҳвол сўрамабман?

Аъзам ака туғишган акаси Каримжоннинг шу ерга оиласи билан кўчиб келганлиги, агар иложи бўлса уни ва жиянларини топиб, кўриб кетмоқчи эканлигини айтди.

— Худо раҳмат қилсин, — отахон юзларига фотиҳа тортди,— икки йил аввал вафот этганлар. Лекин, иним, сиз кўнглингизни чўктирманг, мен у кишининг фарзандлари, набиралари билан таништираман. Аввал бизнинг кулбамизга кириб, меҳмон бўлурсиз.

Аъзам ака отахон билан бирга Каримжон акасининг ўғли Аҳмаджоннинг дўконига келди. Йўлда у: «Ўзингизни танитмай туринг» деди. Лекин жияни тоғасини таниди, ички сезги билан таниди, кўзларига ёш олиб бағрига отилди.

— Ҳай-ҳай, Аҳмаджон, бундай эмас-да, — ҳазиллашди мўйсафид, — сиз меҳмонимни танимасангиз?

— Нега танимас эканман? — Аҳмаджон тоғасига меҳр билан тикилиб кулимсиради, — узоқдан кўрибоқ юрагимга ўт тушди, юришлари, бутун ҳаракатлари раҳматли дадамларга ўхшаб кетди.

Дуои-фотиҳа, марҳум руҳига қуръон тиловатидан сўнг, бир пиёла чой устида ширин суҳбат бошланди. Маълум бўлишича, Каримжон акасининг Тожиддин, Меърожиддин исмли ўғиллари, йигирмадан ортиқ набиралари бўлиб, уч-акаука фарзандлари билан бирга радио-техника дўконларида хизмат қилишар экан. Ўзларига тегишли бу дўконларда хориждa ишлаб чиқарилган хилма-хил радио-товарлар билан савдо қилишар экан.

Бироздан сўнг, Аъзам ака Хонан Каъбани таъвоф қилмоқчи эканлигини айтиб, узр сўради, сўнгроқ кўришурмиз, деди.

Зиёратдан сўнг жиянининг дўконига қайтиб келди. Аҳмаджон укалари билан уни кутиб туришган экан. Йиғлашиб кўришдилар, жиянлар «Дадамизни кўргандек бўлдик», дейишарди.

— Етмиш йилдан бери қулоғимизга хориждаги ўзбеклар хор-зор бўлиб яшайдилар, кўчаларда садақа сўраб юрадилар, деган гапни қуйиб келишарди, — дея ҳикоя қилади Аъзамхожи ака. — Албатта, хориждаги мусофирлар тўғрисида тасаввурга эга бўлмаган кишилар бу гапларга ишонишар.

Мана, менинг жигарларим — қариндошларим ноҳақлик, жабр-зулмдан ўзга юртларга бош олиб кетдилар, ўша ерларда меҳр-мурувват топдилар. Жиянларимдан мисол: ўзларига тўқ, бировга қарам эмаслар. Менга тоғам Аҳрорҳожининг тақдири тўғрисида ҳикоя қилиб беришди. Маълум бўлишича, тоғам Тошкент — Макка йўлларида бир ўғли ва рафиқаларидан айрилиб, Абдураҳмон ва Абдураҳим исмли ўғиллари билан не-не машаққатда Макка шаҳрига етиб келган эканлар. Подшоҳ боғига боғбон бўлиб жойлашибдилар. Қарангки, ўттиз саккиз ёшли тоғам икки фарзандини ёлғиз ўзи тарбиялаб, бир умр уйланмай ўтибдилар. Ўн йил аввал тоғам, уч йил олдин катта ўғиллари Абдураҳмон ҳожи вафот этган экан. Биз борганимизда тоғамнинг иккинчи ўғиллари Абдураҳим ҳожи тижорат юмушлари билан Миср ва Истамбулга кетган эканлар.

Аҳмаджон жияним ҳожилардан беш кишини Арофат тоғига олиб борди. Пайғамбаримиз дуолар ўқиган ва маърузалар қилган муқаддас Жабалур-Раҳма тепалигини зиёрат қилдик.

Таҳминан икки миллион етти юз минг нафар зиёратчи Арофат тоғи атрофига жойлашдилар. Ўзбекистонлик ҳожиларга махсус чодирлар ажратилди. Офтоб чўғдек қиздиради. Чодирларимизда салқин ҳаво уфуриб турувчи мосламалар, чироқлар ўрнатилган, янги гиламлар, охори тўкилмаган кўрпачалар, парқу ёстиқлар тўшалган, араб хизматкорлар иссиқ овқат дейсизми, чой дейсизми ёки муздек ичимлик истайсизми, ҳаммасини бир зумда муҳайё қилишади.

Чодиримизда шунингдек, Малайзия ҳамда Бошқирдистон ҳожилари ҳам жойлашган эдилар. Қизиқки, мусулмончилик қоидаларини бир билан баравар бажараётган айрим бошқирд ҳожилари соф рус тилида суҳбатлашардилар. Маълум бўлишича, бошқирдистонлик икки ҳожи аёлнинг турмуш ўртоқлари рус миллатига мансуб экан. Мусулмон динига кириб, ҳожи либосларини кийган рус бародарларимиз астойдил тоат-ибодат қилишарди. Ўрни келганда айтиб ўтмоқчиман: бугунги кунда жаҳон мамлакатларидаги кўпгина ғайридинлар мусулмончиликка ўтмоқдалар. Бунинг сабаби аён: ислом дини дунёдаги энг инсонпарвар, улуғ динлардан бири, у фақат яхшиликни тарғиб қилади, харом, бузуқ ишларни таъқиқлайди, майхўрликни қоралайди. Шу боисдан ҳам динимиз ўзга диндагиларни мафтун этмоқда.

Бизда илоҳий кучлар мавжудлигини тиш-тирноқлари билан инкор этиб келдилар. Лекин мен ҳаж сафари пайтида Оллоҳнинг илоҳий қудрати буюклигига яна бир бор имон келтирдим.

— Аъзам ҳожи ака, ўзингизга маълум, Ўзбекистонда мусулмончилик қоидалари, урф-одатлари, маърака-маросимлар ҳар бир вилоятда ўзига хос тарзда амалга оширилади, баъзан кичкина худойини ҳам ҳаддан ташқари исрофгарчилик билан ўтказамиз. Мусулмонларнинг бош шаҳри Маккада бунга қандай амал қилишади?

— У ерда барча маросимлар мусулмончилик қоидаларига кўра ниҳоятда содда, ихчам тарзда ўтказилар экан, одамлар марҳумнинг хонадонига кириб, ўзлари фотиҳа ўқиб кетишаверар эканлар. Биз шаҳар ичида жойлашган, атрофи панжара билан ўралиб, темир дарвоза ўрнатилган улкан мозорни сиртдан кўздан кечирдик. Ичкарига киришга рухсат беришмади. Айтишларича, бирор киши вафот этса, Хонаи Каъбада жанноза ўқишиб, жасадини қабристондаги махсус хилхонага қўйишар эканлар. Олти ойдан сўнг суякларини халтага солиб, Макканинг чеккасидаги тоққа олиб бориб кўмишаркан. Қабрлар тепасида учта тошдан бўлак бошқа белги йўқ.

... Ватандошлар, қариндошлар билан хайрлашув онлари юракларни эзиб юборгудек оғир кечди. Аъзам ҳожи ака жиянларининг ёш, ўтинч тўла кўзларига қараб, ичида алланима узилиб кетгандек бўлди, томоғига муштдек нарса тиқилди.

— Биз мусофирларни унутиб юборманглар, — Аҳмаджоннинг овози титраб кетди. — Имконияти бўлса хат олишиб турайлик.

— Муҳтарам ҳожи ака, ҳаж таассуротлари билан бўлиб, Ўзбекистонда қолган қариндошларингиз, оила аъзоларингиз хусусида сўрамадик?

— Яна бир акам Тўхтамурод ҳайдовчи бўлиб ишлайдилар, укам Тожиевой ҳожи Наманганда, Тўлаган ҳожи Собир Раҳимов районида дўхтир. Катта ўғлим Адҳам бош механик, Хотам фан номзоди, ТошДУда дарс беради. Ҳилола ва Флора ҳиндий тили мутахассиси, Муроджон «Миконд» заводида. Худога шукр, пиру-бадавлат яшаймиз, имон-эътиқодимиз мустаҳкам.

— Газета орқали қандай истак-орзулар билдирмоқчисиз?

— Шўролар тузуми туфайли қариндошлар ер юзига тарқадек сочилиб кетдилар, уларнинг хориждаги ҳаётлари қора парда билан тўсиб қўйилди, бизнинг қулоғимизга ватандошларимизни «ватангадо»лар, «сотқин»лар, улар ўзга юртларда хор-зор бўлиб яшамоқдалар, деган гапларни қуйишди. Худога шукр, яхши замонлар келди, мустақил бўлдик. Ана шу муқаддас Мустақиллик йўлида халқимизнинг қанчадан-қанча асл фарзандлари шаҳид кетдилар, турмаларда азобландилар, «халқ душмани» ёрлиғини олдилар. Шуларни ўйлар эканман, ватандошларимга, Ўзбекистонда яшаётган турли миллатга мансуб бародарларимга айтмоқчиманки, шайтоний васваса-ларга учмайлик, вақтинчалик қийинчиликларни деб дин-имонимизни қайта бозорга солмайлик. Ўтган кунларимиз, авлод-аждодларимиз тортган азоб-уқубатлар, бўйнимизни қийган мустамлака занжирлари ёдимизда турсин. Қароримиз қатъий: қийналсак-да, мустақилликнинг хавф-хатарга тўла йўлларидан қайтмаймиз, бу кунларга етиб кела олмаган аждодларимиз ҳаққи-ҳурмати Президентимиз атрофига маҳкам жипслашамиз, мустақиллигимизни мустаҳкамлаб, ўзлигимизни намоён этамиз.

Эсон ҚОСИМОВ.

• ОДАМЛАР ВА ТАҚДИРЛАР

ЯНГАЛАР ҒАЙРАТДА, АКАЛАР ҒАФЛАТДА

...ҲАЛИ анча барвақт. Темир йўл ёқасидаги экинзорда олти аёл помидор кўчатларининг тагини юмшатмоқда. Уларнинг қуёшда қорайиб, оғир меҳнатдан ажинларга тўлган юзларида қандайдир мунг, норозилик, шу билан бирга, қилаётган ишларидан умид борлигини сездим. Бригадир Холжўра Холтўраевнинг ортидан яна икки йигит келибоқ, чопиққа тушиб кетдилар.

— Бугун шанба, аёлларнинг уйларида юмушлари кўп, шунга қарамай уларни ишга чорлабсиз-да,— дедим Холжўра акага. У индамади. Ҳалиги икки йигитчанинг ишини бироз кузатган бўлдим. Дарҳол сездим. Гапим бригадирга ёқмади.

— Нима қилайлик, ишчи кучи йўқ,— деди у бироз сукутдан сўнг.— Қирқ гектар ердаги сабзавотнинг юки шу олти аёлнинг елкасида. Ёшлар эса дала ишига мутлақо келмай қўйди. Бу аёлларнинг ҳам ярми нафақада. Тирикчилик экан...

— Мухбирга ўхшайсиз, ука,— деди бир аёл юзидаги терларини артаётиб, кетмонига суянаркан.— Ижарачимиз, лекин меҳнатимизни биров қадрламаяпти, шунга қуямиз. Мана, Холжўра иним айтсин, шу олтита чўкиртак аёл икки гектар ердан юз тоннадан кўпроқ карам қосили етиштирдик, лекин унинг атиги 34 тоннасини сотолдик, холос, юз тонначаси қолиб кетди, энди уни мол ҳам емайди...

— Агар экинлар парвариши ёмон бўлса, совхоз раҳбарларининг оёғи бу ердан узилмайди, ҳосил пишиб етилгандан кейин эса ҳеч ким ҳолимиздан хабар олмайди,— гапга қўшилди иккинчи аёл.— Помидорларимиз пишди, эрта-индин узиш керак. Аммо уни қаерга топширишни билмаймиз. Бунақада биримиз икки бўлмай 500—600 сўм ойлик билан судралиб юраверамиз...

Бу бригадада бурноғи йили 44 тонна, ўтган йили 40 тоннадан кўпроқ эртаги карамнинг ҳосилига чув тушишган. Хўжалик раҳбарлари бу ишга район рўзномаси аралашгандан сўнг бироз юғур-юғур қилишганди, аммо, бу йил ўша эски «ашула» айтилаётганга ўхшайди. Наҳотки деҳқон аёлларнинг қадоқ қўллари билан бунёдга келган ноз-неъматлар нобуд бўлса?

— Бозорга олиб бориб сотинглар, дейишади,— маъюс гапирди бригадир.— Майли, шундай ҳам қилайлик. Бригадада атиги ўн аёл бўлса, уни ким, қачон сотади? Бозорда қанча ҳосил ўтиши мумкин? Бир тонна ўтар, икки тонна ўтар... Ҳамма бало совхоз реализатор-агрономининг ношудлигида. Вақтида ташкилотлар билан шартнома тузмаган-да, ҳали помидорлар ҳам аросатда қолиб чув тушмасак, деб қўрқаман. Қизиғи шундаки, ҳамма ғафлатда.

Дарҳақиқат, аҳвол жуда мураккаб. Оҳангаронда деярли барча хўжаликлар помидор, картошка, пиёз етиштиришади. Бироқ уларни қайси вақтда қаерга олиб бориш режалари айрим хўжаликларда ишлаб чиқилмаган. Бу эса дала ишчиларининг иш ҳақларини ўз-ўзидан пасайиб кетишига олиб бормоқда. Яқинда имкониятдан келиб чиқиб, бир аёлга 300 сўм қарз ёзишган экан. Бечора эртасига йиғлаб келибди. Олган пули, ҳатто, боғчага тўлашга ҳам етмаб-

БОНГ УРАМИЗ

ди. Шу ҳам турмушми? Ҳамма бало қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва унинг харид нархига жиддий аҳамият бермасликда. Ҳозир қайси рўзнома, радио, ойнаи жаҳон, мажлис ва йиғилишларни кузатманг, ҳамманинг оғзида тижорат, у билан бўхрондан чиқиш. Аммо, ҳеч ким ердан унумли фойдаланиш, маҳсулотларни кўпайтириш, одамларни фойдали меҳнатга жалб этиш, ёшларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш, бунёдкорлик ишига ўргатиш тўғрисида қайғурмаяпти. Ердан бир нарса ундирмагандан сўнг бор нарсани кун сайин ўн баробар ошириб айлантирган билан турмуш яхши бўлмайди. Тижорат балки яхшидир. Лекин, у чайқовчиликка ҳам катта йўл очиб берганини унутаётибмиз. Менимча, бунақа тижорат билан турмушни яхшилаб бўлмаса керак. Ернинг ҳосилдорлигини, молнинг маҳсулдорлигини ошириш зарур.

— Кўраяпсиз, қирқ даражa иссиқда ишлаяпмиз,— зорланди Тўлай Турсунбоева.— Бироқ мен ҳали уй қуриш учун бирон сўтих ер ололмадим. Тўртта болам бор, уларга қачон, қаерга уй қуриб бераман? Президентнинг фармони билан жуда кўпчилик ер олишди, ҳатто, айримлар набиралари учун ҳам ер олиб қўйишди. Агар суриштириб чиқсангиз, ўша ер олганларнинг тўқсон фоизи совхозда ишламайди, бири завутда, бири мелисада, бири дўконда... Оддий ишчи, шу совхознинг биринчи икки қилаётган муштипар аёлларга уй қуриш учун ким ер беради? Бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Бу аёлнинг гаплари бошқа бир далилни эслатди. Шу даланинг нариги томонида Темир Йўлдошев деган деҳқон йигит аёли Анорой билан етти-саккиз йил давомида боғ олиб, ижарачилик қилишди, олмазорларни кўпайтирди. Аммо шу йил кўкламда унинг ерларини совхоз раҳбарлари участка қуриш учун бошқа бировларга бериб юборди. Темирбек эса икки қўлини очиб қолаверди. Тўлай опа ҳам шуларнинг бири...

Тушликка яқин бригадирнинг яна жаҳли чиқди: буни қаранг, ўтган йили фалон тонна пахта бердик, деб мақтанишди. Ҳозир дўконлардан пахта ёғини топиш амри маҳол. Шелуха билан кунжарани-ку, кўрмадик, нима бўляпти, ўзи? Бир ой бўлди. Ўн беш кило пахта ёғига пул берган эдим, на ёғ, на пул ва на идиш бор. Эҳтимол, бу ҳам ўша кўкларга кўтариб мақталаётган тижоратнинг ишидир, балки. Шунақа гаплар, ука...

Бригадир аёлларни тушликка чорлади. Гулсин янга пиширган ёвғон шўрва устида аёллар билан яна дардлашдик. Бригада ишчилари 160 тонна помидор, 12 тонна бодринг, 6 тонна сабзи, шунингдек, анчагина озуқа экинларини етиштириш билан машғул. Беданинг биринчи ўримидаёқ йиллик режанинг ярмини уддалашибди. Иккинчи ўрим келганига анча бўлибди. Аммо, ҳалигача техника келмабди. Тракторнинг бузилганлигига уч кун бўлибди. Бундан механик хабардор. Аммо, ҳали ишда ўзгариш йўқ...

Шуига қарамай бригадада мўл ҳосил етиштирилди. Ў ҳосил ерда эмас, ишчи аёллар — янгаларимизнинг кафтларида, елкаларида етишди. Энди, унинг қадрига «Оҳангарон» давлат хўжалиги раҳбарлари етармикан?!

Мўмин ҚАЮМОВ.

ЎН БАРАВАР ОШДИ

БЕТОН ва қадама нақшларнинг юзасини силлиқлаш жараёни анча машаққатли ва оғир жараён. Кўп меҳнат, вақт талаб қилади. Уни енгиллаштириш ва теезлаштириш жуда зарур. Шунинг учун вилоятимиздаги айрим қурилиш ташкилотларида бу юмушнинг самарали усулларини жорий қилишга катта аҳамият билан қаралмоқда.

Ангрендаги Ўзбекистон шахта қурилиш трести жамоаси бу ишни анча такомиллаштириш имконини берадиган янги мосламаларни ишга туширди. Олмос силлиқлагичлари бўлган бу ускунанинг шу вақтгача фойдаланиб келинганларига нисбатан қатор афзалликлари борлиги маълум бўлди. Олмосли анжомни қўллаш бу жараёнда меҳнат унумдорлигини ўн баравар атрофида оширди, мосламанинг чидамлилигини эса юзларча баравар кучайтириш имконини берди. Трест бинокорлари шаҳардаги резина-техника ишлаб чиқариш бирлашмасининг янги мажмуи иншоотларини барпо этишда ва қатор бошқа иморатлар қурилишида уни жорий қилишдан кўплаб маблағ ва вақтни тежаб қолишяпти.

М. ҲАМИДОВ.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ районидаги Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалиги 5-бўлимининг илғор механизатори Нуржон Умаров (юқоридаги сурат) кунига 20—24 тонкага етказиб беда ташимоқда: шу жамоа хўжалигининг 11-бригадасида арпа ўрим-йиғими авжида (пастдаги сурат).

Суратқаш: М. МАХМУТОВ.



ЖАМОА ХИЗМАТИДА

БЕКОБОДДАГИ цемент комбинатида транспорт цехи ишчи-хизматчиларини жамоа хизматини қилади, деб бежиз айтишмайди. Улар барча ишлаб чиқариш бўлинмалари ходимларининг оғирини енгил қилишмоқда. Асосан ҳом ашё ва тайёр маҳсулотларни корхона ичида ташиш билан шуғулланишади. Бундан ташқари комбинат билан оҳак карьери ўртасида тинмай қатнашади. Вагонларга тонна-тоннадаб юкларни ортиб, белгиланган манзилларга етказиб беришади. Корхона жамоасининг бир маромда ишлаши шу транспорт цехи ишчиларининг меҳнатига боғлиқлиги ҳам шундан.

Транспортчилар зиммаларидаги вазифанинг масъулиятли эканлигини чуқур ҳис қилиб ишламоқдалар. Барча мотовозлар ва вагонларнинг, пўлат изларининг доим соз ҳолда бўлишига ҳаракат қилишяпти. Бунинг учун ҳамма имкониятларни ишга солишмоқда.

Кейинги вақтларда катта ҳажмдаги тузатиш ишларини амалга оширдилар. Ихтиёрларидаги 27 километр узунликдаги темир йўл шохобчасининг тўртдан бир қисми қайтадан ётқизилди. Бундан ташқари, бир ярим километр темир йўл қайта қурилиб, шаллари ва пўлат изларини янгиланди.

Ўз сафига 150 нафарга яқин турли миллат вакилларини бирлаштирган цех жамоаси режанинг тўла ва ошириб бажарилишига эришмоқдалар. Уларнинг ўз меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлиги ошиб бормоқда. Ҳозирги вақтда ҳар бир ишчи ўрта ҳисобда 4 минг сўм атрофида маош олмоқда. Малакали ва тажрибали, ўзининг бутун маҳорати ва билимини сарфлаб меҳнатда касбдошларига намуна бўлаётган илғорларнинг ойлик иш ҳақи 6 минг сўмгача етмоқда. Цех маъмурияти ишчи-хизматчиларга моддий ёрдам кўрсатишнинг бошқа йўлларини ҳам қидириб топмоқда. Уларга ҳар куни тушлик овқатланиш учун етарли пул ажратилмоқда.

— Жамоамизнинг меҳнат ютуқлари ёмон бўлмаяпти,— дейди цех бошлиғи Т. Боборанмов.— Лекин бундан ҳам самарали ишлашимиз мумкин. Бироқ ҳозирги иқтисодий қийин шароитлардаги кўпдан-кўп камчиликлар бунга имкон бермаяпти. Жамоамиз албатта, қўл қовуштириб ўтираётгани йўқ. Ички имкониятларни ишга солишга алоҳида эътибор бермоқда. Шу туфайли ҳам ишимиз мароми деярли бузилмаяпти. Албатта, жамоамиз иш кўрсаткичларини яхшилашга ёрдам берадиган омилларни қидириб топиб, фойдаланишга ҳаракат қилаверади.

Н. ОТАБОЕВ.

Қибрай райони янгиликлари

ЛАҒМОН МАСАЛЛИҒИ

... Ҳамма нарсанинг иложи бор. Шу пайтгача палончи буғдой берятпи, пистончи кўйлак дея, фақатгина бошқаларга хом ашё етказиб турдик. Биздан сув текинга олиб кетилган олтин, пахта ва бошқа бойликлар эвазига озгина «садақа» олардик, холос. Қибрай нон тайёрлаш корхонаси шу йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб 14 хил маҳсулотлар қаторида вермишел ҳам ишлаб чиқара бошлади. Ўтган ойлар давомида 5 тонна ўрнига 10 тоннадан ортиқ «чўзма лағмон»нинг асосий масаллиғи Қибрай район матлубот жамияти орқали аҳолига сотилди. Демак, вермишел излаб марказ томонларга бормасак ҳам бўларкан.

●

ҚИММАТЧИЛИК... БИРОҚ БИЗ БАРИБИР ТУЙ ҚИЛАМИЗ

Қибрайда 30 ва 31 август кунлари суннат ҳамда никоҳ базми тантаналарини ўтказиш комиссияси тузилди.

Ўша кунлари кам таъминланган оилалардан ҳамда Қибрайдаги 1-махсус ногирон болалар мактаби ўқувчиларидан кўпчилиги суннат бўладиган бўлди. Шунингдек, 4 та бўлажак оила соҳиблари ҳам тўйга ҳозирлик кўрмоқда. Базмларни ниҳоятда кўнгилли ўтказиш режалаштирилмоқда. Келин-куёвлар Қибрай райони ҳокимлиги томонидан ажратилган машиналарда сайрга чиқадилар. Ҳозирча болаларга ва келин-куёвларга миллий либослар тайёрланмоқда. Тўй маросими учун моддий таъминотни янада яхшилаш мақсадида банкда махсус ҳисоб рақами очилган.

Хуллас, республикамиз мустақиллигининг бир йиллигига уланиб кетадиган бу тантаналарда халқимиз бир ёқадан бош чиқарса, ҳамжиҳат бўлса ҳар қандай қийинчилик, қимматчилик ортга чекинишига ишонч туғдиради.

●

ЯНГИ ДУКОН ВА МУОЛАЖАГОҲ

Хабарингиз бўлса керак, Енариқ қишлоғида янги қишлоқ шўроси очилган эди. Яқинда бу ерда озиқ-овқат ва саноат моллари билан савдо қилувчи дўкон ишга тушди.

Май қишлоқ шўросида эса врачлик амбулаторияси фаолият кўрсата бошлади. Шифокорларнинг ҳаммаси Тошкентда таълим олган маҳаллий кадрлардир.

ТОШКЕНТ районидаги болалар ва ўсмирларнинг «Ёшлик» соғломлаштириш оромгоҳи бу йилги ёз фаслида ҳам одатдагидек гавжум. Бу ерда районнинг бир қанча жамоа ва давлат хўжаликлари аъзоларининг фарзандлари мароқли ҳордиқ чиқармоқдалар. Шунингдек, оромгоҳда фаолият кўрсатаётган бир қанча тўгаракларда янги ҳунарлар ўрганмоқдалр.

СУРАТЛАРДА: кулолчилик тўгараги раҳбари Мушарраф Маннопова болалар билан машғулот ўтказяпти (юқорида); эрта тонгдаги сайр мана шундай завқли бўлади (ўртада); оромгоҳ боғидаги олмаларни ўқувчиларнинг ўзлари териб олмоқдалр.

Р. АЛЬБЕКОВ суратлари.

ЁЗ— ЎТЯПТИ СОЗ

СОБИР РАҲИМОВ район маорифчи ходимлари ўқувчиларнинг ёзги таътилларини мазмунли ва мароқли ўтиши учун бор имкониятларини излаб топдилар.

Райондаги соя-салқин мактаблар қошида ўқувчилар оромгоҳлари ташкил этилди. Биз 119-, 133-, 134-, 233-мактабларда бўлганимизда ёшларнинг шахмат-шашка, моҳир қўллар, музика, спорт тўгаракларида мароқ билан кўнгил очаётганларининг гувоҳи бўлдик. Бу оромгоҳдагилар бошқа оромгоҳдаги ёшлар билан турли беллашувлар ўтказмоқдалар. Шаҳримиз бўйлаб сайилгоҳларда, тарихий жойларда бўлмоқдалар. 3500 нафардан ортиқ ўғил-қизларимиз мактаб қучоғида ўз устозлари билан ёзги таътилларини мазмунли ўтказмоқдалар. Яна минглаб ўқувчилар шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларда ҳордиқ чиқармоқдалар.

С. СУЛТОНОВ,
Олий тоифадаги ўқитувчи.

МАКТАБЛАР ИХТИСОСЛАШТИРИЛМОҚДА

БУГУНГИ кунда мусиқа санъати мактаб таълимида етакчи фанлардан бири саналади. Шу сабабли ҳам ўқувчи ёшларнинг мусиқа таълимига бўлган қизиқишлари инобатга олинмоқда, сабоқ беришнинг янгича усул ва воситалари кенг жорий қилинмоқда.

Махсус мусиқа таълими берувчи лицейлар шулар жумласидандир. Тошкентдаги 182-ўрта мактабни ана шундай ихтисослаштирилган лицейга айлантириш йўлида кўрилган тадбир кўпчиликни мамнун этди. Янги лицейда бериладиган мусиқа сабоқлари бўйича мукаммал дастур ҳам тайёрланди.

Ўқувчилар орасида электрон-ҳисоблаш машиналари операторлари ва дастурчилар, кичик корхоналар ҳисобчилари ихтисослигига бўлган қизиқиш ҳам ортиб бормоқда. Ана шулар инобатга олиниб, 208-мактабда ушбу касб-ҳунар йўналишлари бўйича синфлар очилди. Уларда ўқувчиларни котиб ва референт қилиб тайёрлашга қаратилган машғулотлар ҳам ўтилади.

А. АЛИЕВ.

ЮТУҚЛАР ЭГАЛАРИНИ ТОПМОҚДА

Илгари хабар берганимиздек, Самарқанд шаҳрининг Тиллақори мадрасасида Ўзбекистон Республикасининг 12 фонзли ички ютуқли заёмининг биринчи тиражи ўйнилари ўтказилди.

Байрам либосига бурканган Регистон майдонига минглаб одамлар йиғилдилар. У ердаги махсус тайёрланган саҳнада республикамизнинг кўплаб таниқли хонанда ва созандалари куй ва қўшиқлар ижро этдилар. Тўпланганларнинг кайфиятларига кўтаринкилик руҳини бағишладилар.

Сўнгра Самарқанд шаҳри ҳокими, тираж комиссияси раиси Азиз Носиров бошчилигидаги махсус гуруҳ турли миқдордаги ютуқлар эгаларини қутилар, барабанлар ва бошқа зарур жиҳозлар ёрдамида аниқладилар. Суратқа Маъмур Назаров тасвирга туширган ушбу суратда омад эгаларини аниқлаш жараёни тасвирланган.

НАКАМУРА «ФАНТОМИ» НИМА УЧУН ЁНИБ КЕТДИ?

БИЗ ОСМОН вакилларини хушнудлик билан кутиб олмаётганимизни тан олишимиз керак. Бу инсонга хос жангарилик (эсимизни таниганимиздан бери урушамиз), жаҳолат ёки ниҳоятда зўр қизиқувчанлик оқибатими, муҳими бунда эмас. Агар бизнинг ҳамма шундай қилмишларимиз осмонда қайд қилиб борилганда эди. «нима учун улар биз билан мулоқот қилишмайди?» деган савол қисман тушунарли бўларди. Тарихга назар ташлаймиз.

1954 йил 2 июль. Утика, АҚШ. 27-эскадрильянинг ракеталар билан қуроллланган иккита «Старфайтер» самолёти НУЖни ушлаш учун юборилган эди. НУЖ нур қуролидан келаётган самолётга қарата ўт очди. Учувчи ва оператор аланга олган самолётдан парашютда сакраб омон-эсон қолдилар.

1956 йилнинг октябри. Окинава-Рюкю ороли. Окинавадаги АҚШ ҳарбий базаларининг бири устида пайдо бўлган НУЖга қарата ўт очган реактив самолёт учувчиси ҳалок бўлди.

1957 йил 4 ноябрь. Итапиу қалъаси, Бразилия. Итапиу қалъасининг минорасида туриб НУЖга қарши ўт очган икки нафар қўриқчига оловранг нур чиқараётган катта жисм томонидан ҳужум қилинган. Улар нурли қурол билан жароҳатландилар, гавдаларининг куйиши учинчи даражали бўлди.

1972 йил 29 сентябрь куни. Ханой устида очиқ ҳавода оловранг нур таратаётган шарсимон шаклдаги жисм пайдо бўлди. У жуда баландда турар, лекин қимирламасди. У томонга «ер-осмон» ракеталари учирилди. Бу ракеталар тутунидан улар ёруғлик таратиб турган нуқтага яқинлашаётганлигини кўриш мумкин эди, бироқ ракеталар мўлжалга етиб бора олмади.

1974 йил 9 июнь. Хьянкура, Япония. Подполковник Тосио Накамура учувчиси бўлган «Фантом» Ғ-4 ЕД қирувчи самолёти тунда Токио устида пайдо бўлган қизил-оловранг шарсимон шаклдаги жисмга қарши юборилган эди. Накамура жисмни 20 миллиметрли қуролдан мўлжалга олишга тайёрланаётганида жисм бунга жавобан кескин 3000 метрга кўтарилиб кетди. Сўнгра самолёт умуман бошқарилмайдиган бўлиб қолди ва аланга олиб ерга ағдарилиб тушди. Парашютни ёниб кетган подполковник Накамура ҳалок бўлди, унинг шериги майор Широ Кубота эса тирик қолди.

1974 йил октябрь. Ванн, Корея. Айланаси сал кам 100 метр келадиган шарсимон металл аппарат Жанубий Кореянинг ҳаво ҳужумига қарши соҳил мудофаасининг батареяси томон яқинлашиб келарди. Батарея командири бошқариладиган ХАУК ракетасини учирди, у эса шу заҳотиёқ аппаратдан юборилган «оппоқ нур» билан уриб туширилди. Нурнинг иккинчи чақнаши батареяга йўналтирилди, шундан кейин қолган иккита ХАУК ракетаси учириш қурилмаси билан бирга таниб бўлмас даражада эриб кетган массага айланиб қолганлигининг гувоҳи бўлинди.

1974 йилнинг кузи. Сардиния ороли, Италия. Ракетанинг учиш йўлини назорат қилувчи аппаратга ўрнатилган кинокамера денгиздан бироз узоқроқда баландликда муаллақ турган шарсимон НУЖни қайд қилди. Унга қарши юборилган ракета яқинлашганда НУЖдан отилган лазерга ўхшаш нур ракетани парчалаб ташлади. Хайратланарли бу тўқнашув суратга олинган кинокадрлар 1976 йилнинг кузида Италия ойнаи жаҳонида намойиш этилди.

1976 йил 19-сентябрь. Меҳробод, Эрон. НУЖни таъқиб қилган Ғ-4 қирувчиушловчи самолёт учувчиси ракетани отишга уриниш вақтида фалаж бўлиб қолди.

Улар ҳарбий бўлганлари учун ҳам отадилар-да, оддий кийимдагилар бўлса

НУЖ БИЛАН УЧРАШУВЛАР

бошқа гап, дейди муштарийлар. Бундайлар билан ҳам турли ҳодисалар рўй берган.

1951 йилнинг 21 апрелида Кентукки штатининг Келли-Хопкинсвилл деган жойида содир бўлган воқеа— инсоннинг ўзга сайёралик келгиндилар билан учрашгандаги ҳолати кишининг ҳаммага хос таъсирланиши мисоли бўлиши мумкин. Кечки пайт соат еттида ўсмир Билли Рей Саттон қудуқ сувидан ичиш учун ҳовлига чиқди. Уйга қайтиб киргач, у 30—40 фут баландликда камалакнинг барча рангларини таратиб учаётган нарсани кўрганлигини айтди. Дала охирига борганда ҳаракат сусталашган ва жисм бамисоли ерга йиқилиб тушгандай кўздан ғойиб бўлган. Катталар бу ҳикояга унчалик эътибор бермадилар, чунки улар бу учаётган юлдуз бўлса керак, деб ҳисобладилар. Уйда ҳаммаси бўлиб саккиз нафар катта ёшдагилар ва уч нафар бола бор эди.

Кечки пайт соат саккизларда кучук вовиллади. Икки эркак орқа эшикдан ташқарига чиқиб даладан ғайритабиий нур таралаётганлигини кўрдилар. «У» яқинлашганда бўйи 3,5 фут, деярли тўғри шарсимон шаклдаги ниҳоятда катта бош, қўллари узун, бармоқлари учида тирноқлари бор эканлиги маълум бўлди. Кўзлари инсонникидан анча катта, сариқ ёруғлик тарқатарди. Уларнинг боши олдида бўлмасдан қаердадир ўртарофида эди. Махлуқ бамисоли кумушсимон металлдан ясалгандай бўлиб, қоронғуликда ёришиб кўринар, улар қўлларини кўтарган ҳолда уйга яқинлашарди. Ўртадаги масофа салкам 20 фут қолганда кишилар унга қарши ўқ уздилар. Махлуқ ағдарилиб тушиб «сальто қилди» ва тўрт оёқлаб қоронғулик томон қочиб кетди, у асосан қўлларида чопар, супурги дастасидек ингичка, узун оёқлари мувозанатни сақлаш учун хизмат қиларди. Эркаклар уйга қайтиб келганларида худди шундай бошқа бир махлуқ (балки ўзидир) ойна орқасида пайдо бўлди. Эркаклар ойна орқали унга ҳам ўқ уздилар. Сўнгра эркаклар ташқарига чиқишганида бу ерда бир йўла иккита махлуқни кўрдилар. Уларнинг бири уй томида, бошқаси эса бироз нарироқда дарахтда турарди. Ўқ билан иккала махлуқ ерга қулатилди. Шуниси таажжубли эдики, уларнинг иккови ҳам ерга қуламасдан, жуда секинлик билан тушишди ҳамда тўрт оёқлаб қоронғуликка югуриб кетишди. Уларнинг ҳаммаси нечта эди, буни билиб бўлмади. Соат 11 ларга борганда Соттонлар келгиндилардан ҳалос бўлишга ишончи йўқотдилар, махлуқларнинг ниятини билиб бўлмади. Бутун оила хавотирликда автофургонга ўтириб, Хопкинсвиллга полиция бошқармасига жўнадилар. Полиция воқеа содир бўлган жойда текшириш ўтказганида уй атрофида бир қанча ғаройиб изларни топди. Шундан кейин Соттонлар бу фермада яшашни исташмади ва уни сотиб юбордилар.

Бразилияда, Сан-Пауло яқинида Гойяс фермасида 1967 йилнинг 13 августида ғалати воқеа содир бўлди. Ферманинг эгаси Игнацио де Суза (41 ёшда) уйи яқинидаги йўлда айланаси 30 метрга яқин шарсимон жисм ва ундан тушган учта одамга ўхшаш мавжудотга кўзи тушди. Суза милтиғини олиб уларга ўқ узди. Шу заҳоти жисмда минорага ўхшаш дўмбоғдан яшил нур кўринди, бу нур фермерни жароҳатлади. Шундан кейин жисм учиб кетди. Дастлабки икки кунда Сузанинг кўнгли айнайверди, кейин у Сан-Паулодаги касалхонага ётқизилди. Октябрь ойида у маълум бўлмаган нурланиш тури ҳосил қилган лейкемиядан вафот этди. Бу воқеа бразилиялик ҳокимлар томонидан текширилди ва тафсилоти сохта исмлар билан 1968 йилнинг 22 декабрида «Коррес де Пово» газетида ёзиб чиқарилди.

1973 йилнинг 25 октябрида НУЖнинг жунли мавжудотлар билан алоқасини кўрсатувчи воқеа содир бўлди. Пенсильвания штатидаги гувоҳ С. фирмаси яқинида тахминан 15 киши кечки соат 9 га яқин ўтлоққа тушаётган катта қизил шарни кўришган. Жисм очиқ-оқ бўлиб, айланаси салкам 100 фут келарди. Жисм қўнаётган минтақадан қаттиқ овоз эшитиларди. Болаларнинг бири бута девори бўйлаб нимадир келаётганлигини кўраяпман, деб қичқириб юборди. Жисмнинг ёруғ тарқатаётганлиги туфайли яқинлашаётган гавданинг фарқига бориш мумкин эди. У майдонга ўхшаш, кўзлари ялтироқ, ниҳоятда баланд бўйли махлуқлар эди. Улар қичқиришар, ҳаводан эса куйган резина ҳиди келарди. С. махлуқлар боши устидан бир неча марта ўқ отди, бироқ бу уларни тўхтатмади. Шундан кейин у уларнинг бирига қаратиб кетма-кет уч марта ўқ узди. Махлуқ оҳ уриб, бошқаси томонга қаратиб қўлларини кўтарди. Шу вақтда НУЖ ғойиб бўлди ва овозлар тўхтади. Махлуқлар секин бурилиб, ўрмон томонга юриб кетдилар. Чақиртирилган полиция маҳаллий аҳоли билан НУЖ қўнган жойни кўздан кечирди, бу жойда ер бирқанча вақт шунчалик ёруғлик таратиб турдики, ҳатто хат ўқиш ҳам мумкин эди.

Бундай воқеалар кўпсонли бўлиб, бир-биридан айрим майда-чуйда жиҳатлари билан ажралиб туради.

Балки, узоқ ўтмишда бошқа сайёралардан келганларни худо, деб ҳисоблаганмиз, уларга сажда қилганмиз, бироқ сўнгги минг йилликлар давомида, кўриб турганимиздек, ерликлар имкони бўлганда «тахминий келгиндилар»ни устидан ўзбошимча суд қилганлар, уларга қаратиб ўқ узганлар, жисмонан махв қилганлар. Умуман уларга қўрқув билан муносабатда бўлганлар, ўзларини тажовузкорона тутганлар.

Ҳозирги вақтда ўзимизни қандай тутаяпмиз? Агар Жанубий Африкадан олинган ахборот тўғри бўлса, у вақтда 1989 йилнинг 7 майида Калахари саҳроси устида синов лазерь тўпи билан НУЖни уриб туширишга ва унинг икки нафар учувчисини асирга олишга ниҳоят муваффақ бўлинди. Тўғри учувчилар қандайдир ғалати эканлар, тадқиқот олиб бориш учун улар териси ва қонидан намуна олишмоқчи бўлишганида чийиллай ва тимдалай бошлаганлар...

Л. ШНЕИДЕР.
(«НЛО» иловасидан).

ЯНГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР

ЯНГИ ўқув йилида Тошкент автомобиль-йўллар институти ҳаётида қатор янгиликлар юз беради. Олий ўқув юртининг кундузги бўлимларида олий маълумотли бакалавр-муҳандисларни ўқитиш йўлга қўйилмоқда. Шу ихтисос эгалари учун таълим муддати бирмунча қисқартирилади.

Институтда менежер ва маркетингчилар каби малакали мутахассислар тайёрлашга ҳам киришилади. Улар автомобиль хўжалиги, автомобиль транспорти иқтисодиёти ва улардан фойдаланиш ҳамда автомобиль йўлларини қуриш соҳаларининг билимдон муҳандислари бўлиб етишадилар.

А. АЛИЕВ.

Муҳаррир ўринбосари
Р. УМАРОВ.

МИЛЛИЙ ЦИРКЧИЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

МУСТАҚИЛ Ўзбекистонимизда цирк санъати усталарини муносиб ўринбосарларини тайёрлаш масаласи ижобий ҳал этилмоқда. Яъни, цирк билим юртини очиш режалаштирилди.

Келажакда бу даргоҳда миллий кадрларни ўқитиш бўйича кўп ишлар амалга оширилади. Бу хайрли маърифий тадбирни Ўзбекистонда янги тузилган Т. Эгамбердиев номли халқаро хайрия жамғармаси ўз зиммасига олди.

С. ОДИЛОВА.

● Таҳририятга хат

ДИЛОЗОР ПАТТАЧИ

ХАБАРИНГИЗ бўлса керак, Ўзбекистон Жумҳурияти Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 9 январдаги 4-сонли «Эркин нархларга ўтиш тадбирлари» ҳақидаги Қарорига мувофиқ халқ хўжалик тармоқларини ҳамда деҳқон бозорларини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини, хўжалик ва молиявий аҳволини мустаҳкамлаш борасида 1992 йил 1 апрелдан бошлаб барча деҳқон бозорларида пуллик хизматлар ва бир марталик йиғим бадалларининг янги тартиби қўлланила бошланди.

Ана шу Қарорга биноан маҳсулотлар юк машинасида сотилганда 30 сўм, енгил машинада эса 20 сўм. Шунингдек, аравачада, столларда, пештахталарда сотилганда эса — 10 сўм тўланади.

Барча деҳқонлар каби мен ҳам Паркентдан Тошкент шаҳридаги трактор корхонаси бозорида сотиш учун икки тоғора помидор олиб келдим. Маҳсулотларимни пештахтага эндигина қўйгандим ҳамки, паттачи Салоҳиддин Эгамбердиев йиғим сўраб келди. Мен 10 сўм бергандим, у пулни башарамга отиб «20 сўм берасан» деди. Унга «Биродар, бор-йўғи икки тоғора помидорим бўлса, йиғим ставкасига биноан 10 сўм тўлашим керак», десам, у «Сендақаларнинг кўпини кўрганман, ўзингни каттароқ оч, 20 сўмни чўз!» деб дўқ урди ва 20 сўмни олиб 10 сўмлик чек бериб кетди. Мендан 1 метр наридаги бор-йўғи икки челак олхўри олиб келган аёлни ҳам ҳақоратлаб, 20 сўмини олди.

Балким, мен Жумҳурият Вазирлар Маҳкамасининг Қарорини нотўғри тушунгандирман. Бироқ, пешона тери тўкиб, уйдаги бола-чақалар ризқи деб деҳқон бозорига келсаг-у, наҳотки, халқ хизматини қилиши керак бўлган Салоҳиддиндек дилозорлар зуғумига учрасак!? Уларни ҳам сўрайдиганлар борми ўзи?! **Жумҳурият қарорлари кор қилмайдиган «темир қобиқли» бундай шахсларнинг танобини тортиб, қилмишлари фош этилса, эҳтимол юлғичлар камаярмиди?**

Ўктам АҲМАДЖОНОВ,
Паркент шаҳри.

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРУВЛАР

БУЮРТМАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИ

Босма маҳсулотларнинг қуйидаги турлари бўйича шошилинч ва оддий буюртмаларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

— юмшоқ муқовали китоблар, брошюраларнинг ҳажми 384 қоғоздан ошмаслиги керак, формати $84\times108^{1/32}$, $70\times108^{1/32}$, $84\times108^{1/16}$, $70\times108^{1/16}$;

— рангли буклетлар, проспектлар, болалар учун мўлжалланган юмшоқ муқовали китобчалар, ёрлиқ (этикетка)лар, открткалар ва босма маҳсулотларнинг бошқа турлари. Қоғоз формати 60×45 дан 90Х120 см. гача;

— рангли бўёқда бажарилган деворбоп гул қоғозлар ва текстуралар;

— буюртмачининг картонидан ясалган рангли қутичалар;

Сизнинг қоғозингиз ва бизнинг меҳнатимиз эвазига юқори сифатли бажарилган буюртмаларга эга бўласиз!

Қоғозингиз ёки босма материалларни топишда қийналсангиз, хотиржам бўлинг, Сизга уни биржа орқали харид қилишга ёрдам берамиз.

Босма маҳсулотларнинг тайёрланиш муддати қуйидагича:

тайёр матрица ва позитивлардан — 1 ойгача,
асл нусхадан, яъни оригиналдан — 2 ойгача.

Клише, шильда, бланк, канцелярия дафтарлари концерн қоғозидан чекланмаган миқдорда тайёрлаб берилади.

Мурожаат қилиш учун манзилгоҳ: 700083, Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй.
Телефонлар: 33-80-07, 33-84-78, 33-90-50, 32-55-31.

Ташкилотлар, корхоналар ва кооперативларнинг раҳбарлари диққатига!

«ШАРҚ»
НАШРИЁТ-МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИ

идора китоблари, ҳар хил ён дафтарчалар, китобча ҳолига келтирилган босма иш қоғозлари, конспектлар ёзиш учун дафтарлар ва бошқа қоғоз маҳсулотларини

ТАЙЁРЛАБ БЕРАДИ ВА СОТАДИ

Маҳсулотлар олдиндан ҳақ тўлаш шартларида ва нақд пулга сотилади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Ленинград кўчаси, «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг хизмат биноси.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-58-72, 33-50-75, 33-84-78, 33-80-07, 33-90-50.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.
ЭЪЛОНЛАР ВА ТИЖОРАТ БЎЛИМИ—33-99-15.

● Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: Г—284. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти— 20.30. Босишга топширилди — 19.00 31650. нусха босилди.